

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

NAMANGAN DAVLAT UNIVERSITETI

PEDAGOGIKA VA JISMONIY MADANIYAT FAKULTETI

**PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA
KAFEDRASI**

PEDAGOGIK DIAGNOSTIKA

FANIDAN

5A110901 - MAGISTRATURA MUTAXASSISLIGI

MA`RUZALAR MATNI

Tayyorladi:

p.f.n., dots. X.Rahmatova

Namangan 2014

**ДИАГНОСТИК ЁНДАШУВ ТАЪЛИМ
МУАССАСАСИ МЕТОДИК ИШИНИ
БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСИ СИФАТИДА**

**1-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА ВА ДИАГНОСТИКАЛАШ,
УНИНГ МАЗМУНИ**

РЕЖА:

- 1. Методик иш тизимида педагогик диагностиканинг аҳамияти ва вазифаси**
- 2. Педагогик диагностика нима? Уни жорий этиш йўллари ва аҳамияти**
- 3. Педагогик диагностика фанининг ҳозирги кундаги аҳамияти**
- 4. Педагогик диагностиканинг энг муҳим критерийлари**

Тадқиқот ишларининг натижалари замонавий педагог ва раҳбар шахсларнинг куйидаги касбий сифатлари билан фарқ қилишини кўрсатмоқда:

- ўз фаолиятини таҳлил қилиш эҳтиёжи;
- диалогга киришиш қобилияти;
- диагностика ва ўзини-ўзи диагностика қилишнинг янги усулларини эгаллашга интилиш;
- ўзини-ўзи бир хилда баҳолаш қобилияти.

Шунинг учун ўқув жараёнини бошқариш, айниқса унинг иштирокчиларини бошқариш масаласига тубдан ўзгартиришлар киритиш керак. Уларни ўзини-ўзи бошқариш тартибига ўтказиш ҳар бир раҳбарнинг босқичма-босқич ўзини-ўзи таҳлил қилиши ва ўз мақсадини белгилаши, ўзини-ўзи истикбол режасини белгилаши, ўзини-ўзи назорат қилиши, ўзини-ўзи баҳолаш ва коррекция қилиши (тўғрилаш) демакдир. Бу эса ҳар қандай бошқарувчининг ташхис қилиш томонини кучайтиради.

“Таҳлил, ўзини-ўзи таҳлил қилиш, шахсни ўрганиш тушунчалари сўнгги вақтларда ягона диагностика (ташхис) атамаси билан номлана бошланди”. Ушбу сўзнинг умумий маъноси-ташхис қўйиш назарияси ва амалиёти, билишнинг алоҳида туридир, чунки “диагностика” лотинчадан таржима қилинганда “аниқлаш”, “белгилаш” маъноларини англатади.

Педагогик диагностика - педагогик фаолият соҳасида воқеликларнинг моҳиятини белгилаш, жараёнларни ҳар томонлама ўрганиш, педагогик омилларнинг мажмуавий ҳаракатини акс эттириш демакдир. Унинг вазифаси - педагог ва раҳбарга сабабларнинг ўзаро боғлиқ ҳаракати, уларнинг қайси бири шу лаҳзада критик аҳамиятга эга бўлиши ҳақида тезкор ва ишончли ахборот беради. Шунинг учун таълим-тарбия ва методик жараёнларнинг барча таркибий қисмларини ташхис қилиб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик диагностиканинг мазмуни деганда методик ва педагогик жараённинг, бола шахси, педагог ёки раҳбарнинг фаолияти даражасидан қатъи назар, тезкор ўрганилиши ва баҳоланиши, тартибга солиниши ва коррекцияси (тўғриланиши) тушунилади.

Педагогларнинг фаолияти ва шахсини ўрганиш - методик ишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишнинг муҳим омилidir. Методик ишлар педагогларнинг болаларга таълим-тарбия бериш ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятида юқори натижаларга эришиш учун ёрдам беришга қаратилган. Ушбу масалани нафақат кейинги такомиллаштириш, балки ҳар бир педагогнинг мавжуд имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш шартларидагина бажариш мумкин.

Методик иш тизимида педагогик диагностиканинг аҳамияти ва вазифаси

Педагогик ташхис педагоглар билан олиб бориладиган методик ишларни ташкил этишда, уларнинг касбий ва ўзаро ривожланишида илмий ёндашувни таъминлайди. Шунинг учун у методик, таълим-тарбия жараёнларида ҳамда мактабни бошқариш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчининг касбий ривожланиш даражасини ўрганишнинг тизими сифатида олинган педагогик ташхис қўйиш ишдаги кийинчиликларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади, уларни енгиб ўтишнинг муқобил усуллари излашга ундайди. Шу билан бирга, у ўқитувчининг кучли томонларини аниқлашга, уларни мустаҳкамлаш ҳамда педагогик фаолият ва ўқитиш моделининг яқкалаштирилган методларини ривожлантириш йўллари ҳамда аниқ усуллари белгилаб олишга ҳам имкон беради.

Педагогик маҳорат, педагогнинг муваффақиятларини диагностика қилиш аттестация муаммоларини муқобил ҳал қилишга имкон беради, чунки у таълим муассасаси маъмуриятининг баҳосидаги субъективизмни четлаштиради. Бироқ таълим муассасаси раҳбарлари шуни ёдда тутишлари керакки, диагностика - бу шахсий мақсад эмас, балки маслаҳат, коррекция (тўғрилаш), мослашиш ва методик-психологик қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда педагоглар билан ишлаш босқичларидан бири ҳисобланади.

Педагогик фаолият диагностикасини, айниқса ўзини-ўзи диагностика қилишни ўтказиш ҳар бир педагог томонидан ўзини-ўзи таҳлил қилиш ва баҳолаш малакаларини эгаллашга йўналтирилган. Бу ҳол педагогик кадрлар билан олиб бориладиган ишларнинг ўзини тартибга солиш ва коррекциялашнинг фаол тартибига ўтказишга имкон беради.

Педагогик диагностика ҳар бир педагогик билиш, ҳар бирининг кўнглига йўл топа олиш сингари мураккаб масалаларни муваффақиятли ечишда раҳбар – методистларга ёрдам беради. У ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий хусусиятларини билишга имкон беради ва шу билан бирга педагог кадрлар билан методик ишларнинг ташкил этилишини енгиллаштириб, уларнинг самарасини оширади.

Замонавий диагностиканинг вазифалари.

Яқин вақтларгача педагогик диагностика бирон-бир белгиларни баҳолаш муаммосига тақалар экан, шахс эса бир фигура, фотосурат кўринишида ифодаланар эди (Н. Голубев, П. Битинас). Бугунги кунда педагогик диагностика кўп тармоқли бўлиб бормоқда ва ўзида маълумот, асл диагностика, баҳолаш, коррекцион, йўналтирувчи, таҳлилий каби вазифаларни мужассамлаштирмоқда.

Диагностик ёндашув ҳам ўқувчилар, ҳам бутун педагогик жамоа фаолиятининг турли босқичларидаги ҳаракатининг мажмуавий диагностикаси, ўзини-ўзи синовдан ўтказиш ва мониторинги тизимини тўзиш ҳисобига амалга ошади ва шунинг учун бошқарув фаолиятининг натижаларини ҳолисона баҳолашга имкон беради.

Диагностикани ташкил этиш жараёнида субъектларнинг ривожланиш динамикасини ўрганиш ва ҳолисликни ошириш учун босқичлилик, даврийликка риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Объектнинг нафақат асл ҳолатини, балки

оралиқ ва якуний натижаларини ўрганиш зарурлиги сабабли, камида учта кесимда бажарилиши лозим: биринчи кесим - кириш назорати (биринчи бошланғич диагностика), иккинчи кесим - жорий назорат (қиёсий диагностика) ва учинчи кесим - чиқиш назорати (якуний диагностика).

Ҳар бир педагог мазкур таълим муассасасининг методик иши тизимида мос равишда амалга ошираётган фаолиятни диагностика ва таҳлил қилиш дастури педагогик таълим-тарбия ва методик - жараёни ташкил этишдаги жараён ва омилларни аниқлаш, зарур ва кутилаётган ўзгаришларни бир кетма-кетликка қўйиш, бошқарув коррекциясини амалга ошириш - буларнинг ҳаммаси таълим муассасасига ютуқлар асосида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда уларнинг қай даражада эканлигини, анъана билан инновация ўзаро қанчалик уйғунлашганини, манфаатдорлик вазияти вужудга келтирилганлигини, синов, тажриба, изланиш ва илмий-методик тадқиқот жараёнида педагогик жамоа кўпчилигининг ички кечинмаларини билиш ва кўришга имкон беради.

Шуни ёдда тутиш керакки, диагностика у ёки бу сифатлар ва хусусиятларнинг мавжудлиги ёки уларнинг йўқлигини кўрсатиб беради, раҳбар эса, унинг натижаларидан фойдаланган ҳолда, педагогнинг касбий ушшининг истиқболлари, йўллари ва усуллари аниқлашда ёрдам бериши керак. Педагогнинг ўрганиш ишлари нафақат диагностик, балки истиқболли тавсифга эга бўлсагина, ушбу йўналишда олиб борилган ишларнинг у ёки бу даражадаги натижавийлиги ёки унинг фойдалилиги тўғрисида гапириш мумкин (В. М. Лизинский).

Педагогик диагностика нима?

Уни жорий этиш йўллари ва аҳамияти

Ҳар қандай фаолият замирида ҳам амалга оширилган ишларнинг пировард мақсади, вазифалари ва кутилган натижалари бўлади. Фаолият натижаларини сарҳисоб қилиш, амалий хулосалар яшаш – бўш ёки муваффақиятли ўринларни белгилаб олиш, фаолиятнинг кейинги босқичларида уни ҳисобга олиш диагностика дейилади.

Педагогик диагностика таълим самарадорлиги, иш мазмуни, олиб борилган

педагогик фаолиятни таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга бўлиб, илғор таълим муассасаларида бу иш услуби муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда, ютуқлар мустаҳкамланиб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни таҳлил қилиш асосида бош стратегик йўналишлар белгилаб олинмоқда ва юқори даражадаги пировард натижалар қўлга киритилмоқда. Савол туғилади:

- бола қобилияти, имконияти, билими, эгаллаган кўникмаларининг ўлчови борми?
- боланинг билиш ва кўникмаларини белгилашга ўқитувчи аралашгани маъқулми ёки ўзига-ўзи баҳо бергани афзалроқми?

Мана шу саволларга энг маъбул асосларда жавоб бериш педагогик диагностиканинг предметиدير. Мана шу мақсадни рўёбга чиқариш йўл-йўриқлари, методик механизмларини ишлаб чиқиш, жорий этиш муҳим вазифади. Педагогик диагностиканинг тарихи педагогик фаолият тарихи билан деярли тенгдош. Бошқача қилиб айтганда, педагогик жараён минг йиллардан бери мавжуд бўлса, бу фаолиятнинг меъёрлари ва натижаларини белгилаш ҳам шунчалик қадимийдир. Демокчимизки, ўқувчи билимига баҳо қўйиш, уни синов ва имтихон қилиш, пировард иш натижаларини белгилаб олиш бошланган ерда педагогик диагностика ҳам мавжуд. Фақат фарқ шундаки, ибтидоий ва ўрта аср педагогикасида бола билими ва иқтидорини диагностик таҳлил қилишнинг илмий асоси йўқ эди. Педагогик диагностикани илмий асосда таҳлил этиш ва йўлга қўйиш XX аср бошларида амалга оширилган. Шу боисдан, бу педагогик жараённинг номланиши ҳам турлича бўлган.

Айримлар педагогик диагностикани таклиф этилган билимларни ўзлаштириш асоси дейишади. Бошқалар диагностика ўқитишни жадаллаштирувчи ахборотдир деб ҳисоблайдилар. Яна айримлар эса диагностика эгалланган билим сифатини назорат этишдир, деган фикрни илгари сурадилар.

Таниқли педагогик олим Мацерман педагогик диагностикани «ўқувчи ўзлаштириши билан, ўқув материални тўғри танлаш, мақсадни тўғри йўналтириш мезонидир» деб ҳисоблайди.

Аслида педагогик диагностика ўқув материални билиш жараёнининг асосини ташкил этиб, маъбул педагогик хулосага келишга замин яратади.

Шу боисдан ҳам, педагогик диагностика:

биринчидан, ўқувчига индивидуал таълим беришни жадаллаштиради;

иккинчидан, давлат ва жамиятнинг таълимга қўйган талабларидан келиб чиқиб, ўқувчи билимини тўғри, адолатли баҳолашни таъминлайди;

учинчидан, ишлаб чиқилган таълимий мезон, критериялар орқали ўқувчининг синфдан синфга ўтишида, мутахассисликка қабул қилинишида минимал талабларга жавоб беришини белгилайди.

Педагогик диагностика ёрдамида таълим-тарбия жараёни тўғри таҳлил этилади ва унинг самарадорлиги тўғри баҳоланади. Бошқача қилиб айтганда, педагогик диагностика орқали таълим объекти, таълимий тушунчалар қай даражада ўзлаштирилганлиги таҳлил этилади, бутун ўқув курсини, ўқув дастурларини ўзлаштириш даражаси баҳоланади.

Педагогик диагностика муҳим аҳамиятга эга. У ўқув-тарбия жараёнини яхшилашга хизмат қилади, таълимий фаолият натижасида эришилган самараларни ҳолислик билан белгилаб беради, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга йўл очади, пировард натижада таълимнинг такомиллашиб боришига ижобий таъсир қилади.

Педагогик диагностика тарихига назар ташласак, ўтган асрларда у фақат ўқувчи билимини баҳолаш орқали амалга оширилганини кузатамиз. Унга 1864 йилда АКШ олимлари Д. Фишер ва Р. Ресслар асос солганлар, 1908 йилдан бошлаб эса, олим Т. Стоун арифметикадан тест орқали ўқувчи билимини синаш тизимини татбиқ этган.

Эгаллаган малакани аниқлашга қаратилган педагогик диагностика ёки диагностик фаолиятнинг айрим жиҳатлари:

- а) таққослаш;
- б) педагогик таҳлил;
- в) аввалдан айта билиш (*прогноз*);
- г) интерпретация;
- д) педагогик диагностика натижаларини ўқувчиларга етказиш;
- е) амалга оширилган турли диагностик методларни ўқувчиларга етказиш;
- ж) педагогик диагностика методларини тўғри белгилашдан иборат бўлган.

Педагогик диагностиканинг энг муҳим критерийлари эса:

- ♦ ҳаққонийлик (*объективность*);
- ♦ ишончилилик (*надежность*);
- ♦ пухталилик (*валидность*) ка асосланади.

Диагностик таҳлиллар қачон объектив бўлади?

1. ♦ Агар: синов натижалари турли текширувларда бир хил натижалар кўрсатилиб, кўрсаткичлар ўзаро бир-бирига яқин бўлса;

♦ Агар: синов мезонлари, ўлчовлари бирлиги ҳамда унинг натижалари синовни амалга оширувчи, аниқловчининг шахси хислати ва муносабатларига боғлиқ бўлмаса;

♦ Агар: синов бир хил талаб, бир хил муносабат ва психологик кайфиятда амалга оширилса, ҳақиқий аҳволни аниқлашда объектив натижалар олиниши мумкин.

Модомики мақсад ҳақиқий таълимий аҳволни аниқлаш экан, унга тўғри, ҳалоллик, ҳаққонийлик билан ёндашиш зарур. Акс ҳолда, диагностикадан кўзланган натижага эришиш, тўғри ташҳис белгилаш мумкин эмас. Бундан ташқари, айрим синф ишларини, баъзан ёзма ишларни, кўпинча эса оғзаки берилган жавобларни баҳолашда ҳар хил ёндашувлар қайд этилиши мумкин. Бу синовчи, яъни диагностик таҳлил ўтказувчи қилинаётган ишларнинг туб мақсадига тушуниб етишига, масъулиятига, ишга бўлган ёндашувига, ва ниҳоят унинг савиясига боғлиқ.

Бундан келиб чиқадиган амалий хулоса шуки, педагогик диагностикани амалга оширишда риоя-андиша, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик ёки бошқа нохушликлар аралашса, ҳақиқий аҳвол аниқланмайди, умумий ишга путур етади, камчилик ва нуқсонлар очилмай хаспўшланади, таълимни такомиллаштиришдан кўзда тутилган мақсадлар очилмай қолади.

2. Педагогик диагностиканинг ишончилиги бир неча марта қилинган таҳлилий хулосалар натижасининг бир хиллиги қайд этилган ҳоллардагина таъминланади.

Агар буни муайян мактаб, синфнинг ҳаётий фаолияти билан боғласак, мабодо ўқитувчи илгариги ишини орадан бир неча вақт ўтиб, айнан ушандай

баҳоласа, ишончлилик пайдо бўлади, лекин бундай ҳол афсуски амалиётда кам учрамоқда.

Педагогик диагностика натижалари қачон узил-кесил тасдиқланади? Тажрибалар, таҳлиллар шуни кўрсатадики, педагогик диагностика тест усуллари воситасида амалга оширилса, натижалар ҳаққоний бўлади.

Чунки бунда тўрт хил хулоса бир хил натижа билан баҳоланади. Булар:

- ◆ мазмуннинг тасдиғи;
- ◆ ҳар хил усул билан олинган натижаларнинг бир хиллиги;
- ◆ натижаларга кўра амалга оширилган таҳлилларнинг исботланиши;
- ◆ лойиҳалашнинг тасдиқланиши (яъни лойиҳалаштиришдаги натижаларнинг олинган хулосаларга уйғунлиги).

Назорат саволлари

1. Методик иш тизимида педагогик диагностиканинг аҳамияти ва вазифалари нималардан иборат?
2. Педагогик диагностика нима? Уни жорий этиш йўллари ва аҳамияти қандай?
3. Педагогик диагностика фанининг ҳозирги кундаги аҳамияти нималардан иборат?
4. Педагогик диагностиканинг энг муҳим критерийлари нималар киради?

2–мавзу: «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг предмети, мақсад ва вазифалари.

Режа:

1. Психодиагностика ва педагогик диагностика ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.

2. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар мунозараси. (3х4 педагогик технология асосида) -25 дақиқа.

3. Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси курсининг предмети, мақсад ва вазифалари. (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.

4. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар

1. Психодиагностика ва педагогик диагностика ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади, деган савол билан магистрларга мурожаат этилади. Бунда биз интерфаол усуллардан бири ақлий ҳужум усулини қўллаймиз. Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдига қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш

имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар умумлаштирилиши, синфлаштирилиши тизимлаштирилиши ва муаммони ечиш учун зарурлари танланиши мумкин.

2. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3х4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиниб, унга «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. «Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикаси» курсининг предмети, мақсад ва вазифаларини муҳокама этиш учун кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдиротлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

Психодиагностика нима?

«Психодиагностика» сўзининг моҳияти «психологик ташҳис қўйиш» ёки кишининг мавжуд психологик ҳолати ва хусусияти ҳақида қарор қабул қилишни англатади.

Психодиагностика — амалий жиҳатдан психологнинг деярли барча

фаолият доираларида, яъни психологик-педагогик тадқиқотларда муаллиф ёки иштирокчи сифатида қатнашаётганда, психологик маслаҳат ҳамда психологик коррекцион (тўғрилаш ва ривожлантирувчи) ишларни амалга ошираётган жараёнда қўлланилади. Аммо кўпинча амалий психологнинг ишларида психодиагностика – фаолиятнинг алоҳида мустақил тури сифатида намоён бўлади. Унинг мақсади – психологик ташҳис қўйиш, яъни кишини мавжуд психологик ҳолатини баҳолаш орқали ифодаланади. Психодиагностиканинг назарий асослари психология фанининг турли жабҳалари, жумладан, умумий, дифференциал, тиббий, ёш давлари психологияси каби соҳаларга асосланади. Унинг методик усулларига эса, индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганиш, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг аниқ йўл-йўриқлари киради. Психодиагностика соҳасидаги назарий-методик ишларнинг йўналишлари авваламбор психологик амалиёт талаблари асосида белгиланади. Ушбу талабларга мувофиқ усулларнинг махсус комплекси шаклланади.

Психодиагностик фаолият жараёнини методикалар апробацияси, талаблар йўриқномасини ишлаб чиқиш, тадқиқотларни ўтказишдаги қонун-қоидаларни яратиш, натижалар таҳлилининг усулларини шакллантириш ҳамда маълум методларнинг имконият ва чекланишларини муҳокама қилиш ташкил этади.

Диагностик фаолият ўз мақсадига кўра ташҳис (диагноз) йўналишининг турли кўринишларига эга бўлади. Қўйилган ташҳис ўрганилаётган хусусиятларни шакллантиришга ёки коррекцион ишларни ташкил этишга қаратилган амалий тавсиялар билан ифодаланади.

Шундай қилиб, диагностика ёрқин намоён бўлувчи индивидуал-психологик, психофизиологик хусусиятлар асосида олинган маълумотларни таққослаш билан алоҳида киши ёки маълум шахслар гуруҳи борасида хулоса чиқариш демакдир.

Психодиагностика предмети ва вазифалари.

Болалар боғчасидаги болаларнинг қобилият ва лаёқатларини ҳар тамонлама ривожлантиришга, улар шахсини шакллантиришга қаратилган. Педагогика жараёнининг маҳсулдорлиги педагогнинг ўз тарбиячиларини яхши билишга, таълим ва тарбиянинг хилма-хил методларини қўллашга боғлиқ ҳаракат қиладилар. Болаларнинг бундай ҳолатлари чегара ҳолатлари сифатида, психик тараққиёт камчилиги сифатида шахс акцентуациясининг турли кўриниши сифатида таснифланиши мумкин. Уларни аниқлаш учун болалар психологияси, клиник потопсихология ва психатрия каби соҳалардаги билимлар талаб қилинади. Бундан ташқари тарбиячига қаровсизлик каби муаммоларни ҳал қилишга тўғри келади.

Ўқитувчи таълим ва тарбиядаги қийинчиликлар нима учун ва қандай қилиб пайдо бўлишини тушуниш учун, у аввало бола психик тараққиётининг асосий қонуниятларини билиши ва турли психик ҳолатларни, психологик-диагностика методларини эгаллаши зарур. Ўқитувчининг психодиагностик тадқиқот ёки доимий кузатиш жараёнида олинган натижаларни болалар билан ишлашда қанчалик тўғри фойдалана олиши ҳам зарур ҳисобланади.

Тажрибага асосланган фан сифатида XIX-аср охирида вужудга келди. Худди шу даврда психологияда ўлчаш ғояси кенг тарқалди. Психодиагностиканинг мустақил фан соҳасига айланиши олимларнинг инсонлар психикасидаги индивидуал фарқларга қизиқишининг ортиши билан боғланган.

Психодиагностика психологик диагноз қўйиш ҳақидаги фандир. Бунда диагноз кўрсаткич ва тавсифномаларни биргаликда таҳлил қилиш асосида синалувчининг ҳолати ва хусусиялари ҳақидаги хулосаларидан иборатдир.

Психологик диагноз (diagnosis - грекча, аниқлаш, билиш деган маънони англатади) - шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш, ривожланишини олдиндан айтиб бериш (прогноз қилиш) ва психодиагностик текширув вазифаларидан келиб чиқиб, тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган психолог фаолиятининг сўнгги натижасидир.

Психодиагностик тадқиқотлар амалиётида психологик диагноз қўйишнинг 3 босқичи фарқланади:

Симптоматик диагнозда дастури мавжуд ҳар қандай ЭХМ бажариши мумкин бўлган тадқиқотда олинган натижалар қайта ишланади.

Этнологик диагнозда (келиб чиқиш сабаблари) бирор хусусиятнинг мавжудлигини эмас, балки унинг вужудга келиш сабаблари ҳам ҳисобга олинади.

Типологик диагнозда синалувчи шахс тузилишида олинган натижаларнинг аҳамияти ва ўрни аниқланади.¹

Психодиагностика психологиянинг илмий ва амалий жабҳаларидан ташқари унинг бошқа соҳаларида кенг қамровда қўлланилади. Масалан, тиббий психология, патопсихология, инженерлик психологияси, меҳнат психологияси каби инсоннинг психологик хусусиятларини билиш талаб қилинадиган барча соҳаларда фойдаланилади.

Илмий ва амалий психодиагностика қайд этилган барча ҳолатларда ҳам ўзига хос муҳим вазифаларни ҳал этади. Уларга қуйидагилар киради:

1. Инсондаги мавжуд бирор психологик хусусият ёки ҳуқ-атвори ҳолатини аниқлаш;
2. Мазкур хусусиятнинг шаклланганлиги, яъни унинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларда намоён бўлиши даражасини ўрганиш;
3. Зарур бўлган ҳолдагина шахснинг ташҳис қилинаётган ҳуқ-атворидаги психологик хусусиятларини очиқ бериш;
4. Ўрганилаётган хусусиятларнинг шаклланганлик даражасини таққосий ишланмасини яратиш.

Амалий психодиагностикада санаб ўтилган вазифаларнинг ҳар бири алоҳида ёки комплекс тарзда олиб борилаётган тадқиқот мақсадига мувофиқ амалга оширилади.

Демак, психодиагностика психологдан профессионал фаолияти жараёнида махсус тайёргарлик талаб қилувчи мураккаб соҳадир. Психолог (ташҳисчи)

¹ Матмуратова.Н.Б. Психодиагностика фанидан маърузалар матни. - Т., 2000й.

эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар шунчалик кенг ва мураккабки, унинг ўзлаштирилиши билан психодиагностикани профессионал психолог фаолиятининг негизи сифатида эътироф этилишига сабаб бўлади. Ҳақиқатан ҳам амалий психологларни малакали мутахассис этиб тайёрлаш аҳамиятга молик омилдир.

Илмий ва амалий психодиагностиканинг асосий масалалари.

Психология фанида «психологик ташҳис қўйиш» сўзининг икки хил тушунчаси мавжуд. Биринчиси, «психодиагностика» - амалиётда турли психодиагностик усуллардан фойдаланиш мумкин бўлган психологик билимлар доирасини ифодалаб, у ўз ичига ташҳис жараёнини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этадиган қуйидаги қатор масалаларни қамраб олади:

1. Психологик хусусиятлар табиати ва уларни илмий баҳолаш имкониятларининг мавжудлиги қандай?
2. Психологик хусусиятларни аниқлаш жараёнида ва миқдорий баҳолаш вақтдаги умумий бўлган илмий асослар ҳолати қай тарзда?
3. Ҳозирги вақтда қўлланилаётган психодиагностик усуллар қабул қилинган умумилмий, методологик талабларга қанчалик мос келади?
4. Психодиагностиканинг турли усулларига қўйиладиган методологик талаблар нималардан иборат?
5. Амалий психодиагностика, жумладан, ташҳис жараёнларини амалга ошириш шароитларига қўйиладиган талаблар, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллариининг ишончлилиқ даражасини асослиги қандай?
6. Психодиагностик методларнинг илмийлигини текшириш ва уларни яратиш жараёнлари қандай амалга ошади?

Иккинчиси, «Психодиагностика» - психологик ташҳиснинг амалий жиҳати билан боғлиқ бўлган психологнинг махсус фаолият доирасини ўз ичига қамраб олади.

Бунда, нафақат илмий, назарий балки, психодиагностикани

ташкиллаштириш ва уни амалга ошириш жараёнига алоқадор амалий масалалар ёритилади. Унинг таркибини:

1. Психодиагност сифатида психолог учун қўйиладиган махсус талабларни аниқлаш;

2. Ўз фаолиятини малакали ташкил этишда керак бўлган билим ва кўникмалар тартибини жорий қилиш;

3. Психологнинг психодиагностик методларни муваффақиятли ва малакали ўзлаштирилишидаги айрим амалий шарт-шароитларни яратиш ҳамда уларга риоя қилиш зарурати;

4. Психодиагностик доирада фаолият кўрсатадиган психологни амалий жиҳатдан тайёрлаш ҳамда унинг компетентлигини баҳолашда дастур, метод ва усулларни ишлаб чиқиш масалалари ташкил этади.

Юқоридаги назарий ва амалий масалалар бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу соҳада етук мутахассис бўлиш учун психолог, психодиагностиканинг ҳар иккала асослари билан яхши қуролланган бўлиши керак. Фақатгина назарий, амалий ёки барча методларнинг илмий асосларини тушуна билмасдан мутахассис сифатида профессионализмга эришиб бўлмайди.

Демак, психодиагностика - психологик-педагогик диагностиканинг энг яхши ривожланган ва муҳим йўналишлардан бири бўлиб, унга шахснинг ақлий ривожланиш даражасини аниқлаш, ўз-ўзини баҳолаши, психологик ҳимоя усуллариини шахс ўзининг психик ҳолатларини, уларнинг характерининг асосий сифатларини ва бошқа индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишга қаратилгандир.

2-гурӯҳ учун тарқатма материал.

Педагогик диагностика нима?

Собиқ СССРда «педагогик диагностика» термини 50-60 йилларда А.С.Белкин томонидан турли журналлардаги мақолаларда киритилади. Педагогик диагностиканинг атамалари ва методологияси унинг 1979 йилда

«Шахсларнинг педагогик қаровсизлиги» номли ўқув қўлланмасида батафсил баён қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 80 йилларгача, «Педагогик диагностика» атамаси асосан мақолаларда, турли тезислар ёки кам тиражли тўпламларда учрайдиган, 80 йилдан бошлаб эса, шу вақтгача педагогика ва психология фанларининг ҳамкорлик соҳаси сифатида шаклланиб, ривожланиб келаётган, кўпчилик алоҳида билим ва тажриба соҳаси, деб қарамаётган бу соҳа энг долзарб соҳалардан бирига айланмоқда. Бунинг исботи сифатида қуйидаги далилларни келтиришимиз мумкин.

1987 йилда А.И.Кочетов таҳрири остида «Мактабда педагогик диагностика», 1988 йилда Н.К.Голубевнинг «Тарбия жараёнини диагностика ва прогноз қилиш» асарлари босмадан чиқди. 1990 йилда Тошкентда К.З.Зариповнинг «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг узлуксиз тизимда педагогик диагностика», 1992 йилда Екатеринбургда Е.А.Михайловичнинг «Педагогик диагностиканинг назарий асослари» мавзусидаги докторлик ишлари ҳимоя қилинди.

Чет элларда бу соҳада олиб борилган ва рус тилига таржима қилиниб, ўзбек мутахассислари ҳам танишиш имкониятига эга бўлган ишлардан К.Ингенкампнинг 1991 йилда босмадан чиққан «Педагогик диагностика» (муаллифнинг ёзишича педагогик диагностика атамаси у томонидан 1968 й. таклиф қилинган ва киритилган) асарида анча кенг ёритилган.

Педагогик диагностика мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз:

Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш - бу йўналиш шахсларнинг тарбияланганлигини, уларнинг хулқ-атворини, одоб-ахлоқини, тарбияланганлигини (тарбиявий таъсирларга берилиши)ни ўрганишдан иборатдир.

Ташкилий-методик диагностика - педагогларнинг квалификациясини, ўқув жараёнининг услубий таъминланганлик даражасини баҳолашдир.

Дидактик диагностика - педагогик жараённи такомиллаштириш учун хизмат қилишдир (ўқув жараёнининг ташкилий методик томонларидан

ташқари). Шахсларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини, жавоблардаги типик хатоларни, уларнинг сабабларини, ўқув фаолиятидаги салбий ўзгаришларни, шахсларда ўқув меҳнат малака ва кўникмаларнинг ривожланганлик даражасини, таълим олишга нисбатан мойилликлари диагностика қилинади.

Ижтимоий-педагогик диагностика - шахсларнинг педагогик қаровсизлиги, мослашганлик даражаси, тарбияси оғир болаларни диагностика қилишда ижтимоий омилларни ҳисобга олувчи йўналишдир. Диагностика педагоглар томонидан мактабдан, ўқув юртидан ташқарида олиб борилади. Шу сабабли диагностика жараёнида оила социологияси ва иқтисоди, ҳуқуқ социологияси, дам олиш социологияси, иқтисодий социология каби соҳаларда қўлланиладиган методикалар ва кўрсаткичлардан фойдаланишни тақозо этади.

Ижтимоий психологик-педагогик диагностика - бу йўналиш социология, ижтимоий психология, педагогикани ўз ичига қамраб олган бўлиб, шахслар, педагоглар, ота-оналар гуруҳларини, шахсларга оммавий коммуникация воситаларининг (радио, телевизор, газеталар ва ҳ.к.) таъсирини, шахсларнинг бурч ва ҳуқуқлари, улар орасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилгандир.

3-гурӯх учун тарқатма материал.

Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикасининг предмети, асосий вазифалари ва йўналишлари.

Шахс ривожланишининг психологик педагогик диагностикасининг предмети шахс руҳий хусусиятлари, қобилиятларини, уларнинг ривожланиш, тарбияланганлик ва таълимда муваффақиятлилик даражаларини аниқлаш ва ташҳис қўйиш масалаларини ўрганишдан иборатдир.

Психологик-педагогик диагностика курсининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

а) талабаларни психологик-педагогик диагностиканинг назарий асослари, йўналишлари босқичлари ва принциплари билан таништириш;

- б) диагностика қилишнинг турли методикаларини амалда қўллашга ўргатиш;
- в) шахслар психологиясида, хулқ-атворида юз берган салбий ўзгаришларни тузатиш, уларга ёрдам бериш усуллари билан қуроллантириш;

Унинг мақсади – таълим ва тарбия жараёнида шакллантирилаётган шахснинг индивидуал сифатларини, ривожлантирилиши ёки шакллантирилиши лозим бўлган хусусиятларнинг мавжудлиги (бошланғич) даражаси ва ўқув жараёнидаги ўзгаришлар динамикасини ўрганишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностика предмети сифатида авваламбор боланинг таълим жараёнида (масалан, билим даражаси) ва тарбия жараёнида (характер хусусиятлари) шакллантириладиган сифатларни кўрсатиш мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида билимларни баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиш, таълим жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан тест методининг билимларини баҳолаш усули сифатида кенг қўлланилиши, турли психологик методикаларга, айниқса, шахсларнинг ақлий ривожланиш даражасини ўрганишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларининг ошиши Рўспубликамызда педагогик ва педагогик-психологик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланишига катта туртки берди.

Психологик-педагогик диагностика бугунги кунда мактаб, боғча ва бошқа турли типдаги ўқув билим юртлари психологлари ва педагоглари олдида турган муҳим вазифалардан, уларнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда ва ривожланмоқда.

Психологик-педагогик диагностиканинг ривожланиб келаётган фан тармоғи эканлиги, унинг амалий ва долзарблиги билан бир вақтда бу соҳани аниқ чегаралари, бошқа фанлардан фарқи ва ўзига хос хусусиятлари ҳозирча тўлиқ таркиб топмаганлигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шунинг учун биз психологик-педагогик диагностиканинг баъзи томонларигагина қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламыз.

Шундай томонларидан бири, шаклланиб келаётган фан соҳасининг асосий объектлари қандай йўналишларда иш олиб борилишига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Психологик-педагогик диагностиканинг асосий йўналишлари педагогик амалиётнинг талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланмоқда. Шу сабабли ҳам унинг йўналишларини бу йўналишларнинг моҳиятини психологик-педагогик диагностика педагогик амалиётнинг қайси соҳаларида қўлланилишини кўрсатмасдан туриб тўлиқ очиб бериб бўлмайди. Биз қуйида психологик-педагогик диагностика қўлланилиши жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бир нечтасини шартли равишда (хаётда эса улар умумий, битта педагогик жараённинг ажралмас қисмларидандир) ажратиб олдик. Улар қуйидагилар:

1. Таълим-тарбия назарияси ва методикаси.
2. Бошқариш ва амалиёт.
3. Дидактика ва хусусий методика.
4. Педагогик социология.
5. Ижтимоий психология.
6. Педагогик психология.

Бу соҳаларнинг асосий вазифалари, предмети педагогик ва психологик адабиётларда, ўқув қўлланмаларида жуда кенг ёритилмаслигини ҳисобга олиб уларга батафсил тўхталиб ўтмаймиз.

Юқорида келтирилган ҳар бир соҳада психолог ёки шу соҳаларга қизиқувчи мутахассислар маълум диагностик ишларни амалга оширадилар. Мана шу ишлар мажмуаси психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади. Ҳар бир соҳада ўзига хос диагностик ишлар олиб борилади ва бу ишларнинг мазмуни психологик-педагогик диагностиканинг йўналишларини ташкил қилади.

Бу йўналишларга қуйидагилар киради. (Михайлович Е.А.,1997)

1. Тарбияланганлик даражасини диагностика қилиш.
2. Ташкилий-методик диагностика.

3. Дидактик диагностика.
4. Ижтимоий-педагогик диагностика.
5. Ижтимоий психологик-педагогик диагностика.

4-гурух учун тарқатма материал.

Психологик педагогик диагностиканинг асосий тамойиллари.

Албатта, ҳар қандай фан соҳаси ўзига хос объектга ва предметга ва уларга мос келадиган тадқиқот ёки амалий ўрганиш методларига, ўз тамойилларига эгадир. Психологик-педагогик диагностикада қўлланиладиган методлар ва томоийллар ҳозирги замон психология фани ва педагогика фанида орттирилган илмий, амалий тажрибалар, шаклланган томоийллар асосида шаклланмоқда. Шу билан бирга ўз хусусиятларига эга ҳамдир. Бунинг сабаби педагогик-психологик диагностикада қўлланиладиган методлар ва томоийллар фанда бирор янгилик очишдан кўра кўпроқ мавжуд билимлар, методлар, томоийлларнинг амалда самарали қўлланишига хизмат қилади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, психологик-педагогик диагностиканинг қуйидаги томоийлларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Диагностика назарияси ва методларининг илмий асосланганлиги. Диагностика объектини яхлит равишда генетик ва тизимли таҳлил қилиш, уларни моделлаштириш, қўлланиладиган методикалар, кўрсаткичларнинг илмий аниқлигини, валидлигини пухта ишлаб чиқилган методологик асосларда таъминлаш. Илмий асосланганлик тамойили қўлланилаётган методикаларнинг этник ижтимоий муҳитга, шу жумладан диагностика ўтказилаётган ўқув юрти ва ўқув гуруҳига мослигини талаб қилади. Бу тамойилга амал қилиш педагог-диагностларни турли хил енгил, кўзига яхши кўринган ёки қўлига тушиб қолган методикаларни билиб-билмай қўллашдан сақлайди.

2. Диагностиканинг изчиллиги ва аниқ йўналганлиги. Психологик-педагогик диагностика бошқа психодиагностик, педагогик диагностикадан фарқли равишда аниқ йўналишга, аниқ объект ва мақсадга қаратилган. Шу сабабли диагностика фаолияти (жараёнининг) натижалари умумий

хулосалар, абстракт мулоҳазалардан эмас, балки аниқ шахсга, аниқ гуруҳга тегишли бўлиши, диагностика натижасида аниқ хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф қилиш, ёрдам беришнинг аниқ йўллари кўрсатиб бериш лозим.

3. Диагностика шакл ва методларининг оптималлиги. Қўлланилаётган методикалар, шахсга ёндашиш усулларининг амалиётчи психолог, педагог ёки педагог-диагностга кам куч ва вақт сарфлаб муҳим, сифатли, катта амалий аҳамиятга эга маълумотлар йиғишга имкон бериши. Диагностиканинг шакл ва методларининг оптималлигини таъминлаш учун педагогикада ва психологияда кўп йиллар давомида қўлланиб келаётган, қулай, оддий ва шу билан бирга самарали методларини танлаш зарур.

4. Ўрганиш объекти ҳақидаги фактларни йиғиш, баён қилиш ва тўғри йўлга солишнинг бирлиги. Ўрганилаётган объект ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни педагогларга кўрсатиш ва диагностика жараёнида ўрганилаётган шахсга ёки ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришда, камчиликларни бартараф қилишда ўқув юрти раҳбарларига, педагогларга маълум психологик, педагогик ёрдамлар бериш, тўғри йўлга солиш, қўллаб-қувватлаш функцияларининг биргаликда олиб борилиши.

5. Диагностиканинг кетма-кетлиги ва узлуксизлиги диагностиканинг босқичма-босқич амалга ошира бориб, ўқув жараёнига, шахснинг ўзлаштиришига ҳалақит бераётган сабабларни очиш, олинган натижаларни кейинги босқичларда, ўқув-тарбия жараёнида узлуксиз фойдаланишда юзага чиқади.

6. Диагностика методлари ва жараёнларининг қулайлиги ва оммабоплиги. Диагностика методларининг оддийлиги, педагоглар, амалий психологлар, ўқув юрти раҳбарлари, текширилувчи учун қулайлиги, уларда диагностикага нисбатан қизиқиш, интилиш уйғотишга хизмат қилишини таъминловчи тамойил.

7. Дидактиканинг ҳар томонлиги (комплекслиги). Бу тамойил шахс шахсини, ўзининг индивидуал-психологик хусусиятларини, руҳий

жараёнларининг ривожланганлик даражасини, ўқув фаолиятининг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун танланган методлар ва методикалар шахснинг бир бутун ҳар томонлама ўрганиш, таърифлаш, ёндошиш имконини беришда юзага чиқади. Диагностик методикалар бир-бири билан боғлиқ бўлиши, бир-бирини тўлдириши бу тамойилнинг асосий тадбирларидан биридир.

8. Диагностиканинг шахс ривожланишининг келажагини, оқибатларини олдиндан кўра олиш (прогноз қилиш) имконини бера олиш. Ҳар қандай психологик-педагогик диагностика шахснинг кечаги ёки бугунги кундаги ривожланиш даражасини, ўқув жараёнининг ташкил қилинганлик даражасини кўрсатиб бериш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Диагностик жараёнида ўрганилаётган объектнинг келажаги, эртанги куни ҳам тараққиёт тенденциялари, ҳам маълум омиллар таъсирининг оқибатлари очиб берилиши керак. Шу ҳолдагина прогноз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнида йўл қўйилаётган хатолар, шахс тараққиётидаги кўзга ташланган камчиликларни бартараф қилиш, тўғри йўлга солиш имконига эга бўламиз. Шу сабабли психологик-педагогик диагностика методларининг прогностик бўлиши энг муҳим талаблардан биридир.

Назорат саволлари:

1. Психологик — педагогик диагностиканинг қўлланиши?
2. Диагностика қўлланишида аҳамиятга эга бўлган соҳалар?
 - а) таълим тарбия назарияси методикаси.
 - б) бошқариш назарияси ва амалиёти.
 - в) ижтимоий психология
 - г) педагогик психология ва ҳоказо...
3. Психологик — педагогик йўналишларига асосан нималар киради?
 - а) тарбияланганлик даражасини аниқлаш.
 - б) ижтимоий педагогик — психологик диагностика ва ҳоказо...
4. Психологик—педагогик диагностиканинг асосий тамойилларини кўрсатиб ўтинг?

3-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКА МЕТОДЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Режа:

1. Педагогик диагностика-кузатув методи
2. Баҳо шкаласи
3. Педагогик диагностикада сўроқлаш методи
4. Педагогик диагностиканинг тест методи
5. Педагогик диагностикадан хулосалар

Педагогик диагностика-кузатув методи: Педагогик диагностикада кузатув услуби ўқувчининг ўқишга муносабатини, масъулиятини, билимга интилишини аниқлайди. Табиийки, ўқувчидаги бундай хислатларни белгилашда унинг характери, хулқи, бутун ижтимоий жиҳатларига катта аҳамият берилади. Чунки ўқувчининг билим ва кўникмаларини аттестация қилишда шахсий, оилавий, ахлокий кўрсаткичлари муҳим роль ўйнайди.

Баҳо шкаласи: Баҳо малакаси ҳам бола шахсини, унинг ўқишга муносабатини тўғри белгилашдаги муҳим омилдир. Уни педагог олимлар турли даврда турлича ифодалаганлар. Масалан, болаларнинг машғулотлар пайтидаги кизиқиш даражасини 1978 йилда АҚШлик олим Оини Фиттаку қуйидаги шкала бўйича аниқлашни тавсия этган эди.

Ҳеч қандай қизиқиш йўқ	Қизиқиши ноаниқ	Қандайдир қизиқишлар сезилди	катта қизиқиш бор	ўта қизиқувчан

Ўзининг фикрлашида ўқувчи:

жуда танқидий + 2	танқидий фикрлашга мойил + 1	комформга мойил - 1	ўта комформли - 2

Ўзаро ҳамкорликка мойиллик:

1	2	3	4	5
---	---	---	---	---

-----бўш-----ўрта-----кучли-----

Шунинг учун ҳам, мактаб ўқувчиларининг фойдали иш коэффициенти бола олган баҳолар билан белгиланади.

Паст кўрсаткич олган ўқувчига кўпроқ эътибор бериш лозим. Лекин асосий эътибор яхши ва аълочи ўқувчига қаратилади.

Устига-устак ўқувчи 13-15 ёшида ўзига катталардек муомала қилишни талаб этади. Лекин ўқитувчиларнинг айримлари боладаги бундай психологик кайфиятларни ҳисобга олмай, унга бола, субъект сифатида қарайдилар. Айнан мана шу сабабли ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ихтилоф келиб чиқади.

Педагогик диагностикада сўроқлаш методи

Мазкур услуб педагогик диагностикада қадим-қадимдан қўлланиб келинади. У деярли ўқиш, ўқитиш жараёни бошлангандан буён мавжуд.

Агар диагностиканинг кузатиш усулида боланинг ахлоқий-маънавий тамойиллари, қизиқиши, муносабати, фикрлаш доираси ўрганилган бўлса, суҳбат, савол-жавоб кўпроқ ахборот тўплаш имкониятини беради. Бунда у ёки бу шахс тўғрисида объектив ёки субъектив маълумот олиш имконияти мавжуд.

Ахборот – оғзаки, ёзма, стандартлаштирилган, якка, гуруҳларга бўлинган ҳолда бир ёки бир неча бор сўраш асосида тўпланади.

Педагогик диагностиканинг тест методи

Одатда текширувчи томонидан амалга оширилган барча назорат шакл ва услублари ҳам тестга киради.

Назоратнинг тест услуби илмий асосларга кўрилган бўлиб, у маълум талаб, конун-қоидалар заминида олиб борилади.

Тест асосан психолог олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилгандир. Тест педагогик диагностика методлари орасида энг қулай ҳисобланиб, у ҳар жиҳатдан сифатли маълумот бериши билан ажралиб туради.

Тест синови мунтазам такомиллашиб боради. Унга турли босқичларда турлича таъриф бериб келинган. Масалан, немис олими Линерт «Тест шахснинг турли ҳолатларини, шахсий хусусият, имконият ва қобилиятини аниқловчи илмий

методдир» деб таърифлайди.

Тест усули чинакамига педагогик диагностика методи бўлиб, у ўқув жараёнининг пировард натижасини объектив аниқлаб беришга қодир мезондир. У доимо таҳлил асосига кўрилиб, айнан шу хусусиятига кўра, педагогик жараён натижаларининг такомиллашиб боришига ёрдам беради. Айни пайтда тестлар таълимий хулосалар билан бирга, технологик вазиятни, истиқболни, ҳаракат йўналишини ҳам белгилаб беради. Шунга кўра тестлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Таълимий муваффақиятларни аниқлайдиган тест;
2. Шахс тараққиёти ва унинг имкониятларини белгилайдиган тест;
3. Интеллектни аниқловчи тест;
4. Умумий натижани белгилайдиган тест;
5. Муайян ҳудудда, мактабда у ёки бу фанни ўқитиш самарадорлигини кўрсатувчи тест;
6. Профессионал касбга мойиллик лаёқатини, шахснинг функционал имкониятларини аниқловчи тест;
7. Шахс психологиясини очиб берувчи тест;
8. Шахснинг йўналтирилганлигини белгиловчи тест;
9. Шахснинг қизиқиши, мойиллигини аниқлаб, шу соҳани такомиллаштиришга ёрдам берувчи тест;
10. Клиник тест ва ҳ. к.

Юқорида баён этилганидек, тест ҳам баҳолаш, ҳам педагогик диагностика ҳисобланади. Ўқувчилар билимини бу усулда баҳолаш 1930 йилда бошланган. Лекин кейинги пайтларда у кенг жорий қилинмоқда. Истиқболда ўқувчилар билимини баҳолашда тест, рейтинг тизими устувор бўлиб қолади. 5 баллик баҳолаш тизими ўқувчини ҳар томонлама баҳолашга ноқулайлиги учун, ундан воз кечиш фикридамиз. Тест имкониятларини баён этишни давом эттирамиз.

Амалиётда ўзлаштиришга қаратилган тестлар тобора кўпроқ ўрин олиб бормоқда.

Ўзлаштиришга қаратилган тестлар:

- ◆ муайян предметни ўзлаштиришга қаратилган тестлар;
- ◆ ўзбек тилини ўзлаштиришга қаратилган тестлар;

- ◆ чиройли ёзувни белгилашга йўналтирилган тестлар;
- ◆ ўқиш тезлиги ва техникасини баҳоловчи тестлар;
- сўз бойлигини аниқловчи тестлар;
- ◆ боланинг ривожланишини ва мактабга тайёрлигини аниқловчи тестлар;
- боланинг интеллектуал фаолиятини аниқлашга қаратилган тестлар;
- ◆ боланинг дидактик кўникма ва малакасини белгиловчи тестлар ва ҳ. к.

Ўзлаштириш нима ва у қандай аспектларда намоён бўлади?

1) Ўзлаштириш бу – ўқувчининг фанларни ўқиб, ўрганишда эришган натижалари;

2) Ўзлаштириш бу ўқувчига мактаб, демакки, давлат ва жамият томонидан қўйилган талабга эришиш;

3) Ўзлаштириш ўқувчининг муайян даврда қилган меҳнатининг якунидир.

Маълумки, таълим марказида инсон, шахс туради ва барча таълимий жараёнлар унинг қобилияти, имконияти, эҳтиёжига қаратилади. Педагогик диагностика эса, ана шу интилиш, меҳнат, фаолият самарасини ҳам ижобий, ўам салбий жиҳатдан белгилаб беради.

Тест асосида ўқувчи ўзлаштиришини аниқлаш педагогик диагностиканинг методи эканлигини юқорида баён этган эдик. Эгаллаган билимларни қиёслаш, солиштириш, самарадорликни, камчилик ва нуқсонларни белгилашда унинг имконияти ниҳоят даражада катта. Уни умумий ўрта таълим мактабида қўллаш таълимни такомиллаштириш ишига катта наф келтиради.

Оли Кюфөркер мактабда амалга ошириладиган тестни 3 кўринишга бўлади. Улар қуйидагилар:

- а) ўзлаштиришни муайян бир давр ичида аниқловчи тест (масалан, турли сертификатлар олиш учун топширилган тест);
- б) ўқув қўлланмасининг маълум бир қисми, бўлими, бобда олинган ахборотларни қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқловчи тест;
- в) ўқув дастури ёки дарсликдаги бир қисм машғулотлар ўтказилгандан кейинги ўқувчи ўзлаштиришидаги ютуқ ва нуқсон тамойилларини аниқлаш тести.

Педагогик диагностиканинг ўлчови, ишонччилик коэффициенти мукаммал ва ишонччи бўлмоғи учун;

- ◆ қайта тестдан ўтказиш методи;

- ◆ иккига бўлган ҳолда паралелли тестни амалга ошириш, шу орқали олинган маълумотнинг ишончилигини текшириш мумкин.

Аниқлик, ишончилиқни текшириш мақсадида 4 хил усул қўлланилади.

Улар:

- ◆ мазмун тасдиғи;

- ◆ ҳар хил услублар билан олинган натижаларни бир хил кўрсаткичга олиб келиш тасдиғи;

- ◆ таҳлиллар натижаларининг мос келиши тасдиғи;

- ◆ лойиҳалашнинг тасдиғидан иборатдир.

Педагогик диагностикада амал қилаётган тест синовлари ҳудудий диагностикани йўлга қўйишда ҳам катта имконият ва қулайликларга эга. Масалан, кейинги йилларда олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш бўйича амалга оширилаётган тест синовлари натижаларига кўра қуйидаги аниқ ва ишончли таҳлилларга осонгина эга бўлиш мумкин. Бу тест синовларидан бизга:

- ◆ қайси туман (шаҳар) мактабларида қайси ўқув фани қай аҳволда ўқитилаётганлиги маълум бўлади;

- ◆ пировард натижада Ватанимиз сарҳадларида ким қандай ишлаётгани, ким қандай ўқиётгани маълум бўлади;

- ◆ шахснинг ўз камчилиқ ва хулосаларини белгилаб олишга, қайси йўналишда кўпроқ ишлаш лозимлигини аниқлашга ёрдам беради.

Педагогик диагностикани таълим соҳасининг исталган соҳасини таҳлил қилишда ҳам жорий этиш мумкин. Масалан, Халқ таълими вазирлиги халқ таълимининг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари фаолиятини узоқ йиллардан бери 15 йўналиш бўйича аниқ таҳлил этиб бормоқда. Таҳлил натижалари эса ҳар қандай баҳс ва мунозаралардан ҳолидир.

Мақсад эса битта - камчилиқ ва нуқсонлардан тўғри амалий хулосалар чиқариш, фаолиятнинг асосий ва тўғри йўналишини белгилаб олиш ва уларни бартараф қилишда сабот билан ишлашдан иборат.

Педагогик диагностикадан хулосалар

♦ йиллик ва истиқбол режалари тузишда қайси масалаларга кўпроқ эътибор беришни онгли равишда белгилаб беради;

♦ ҳаммага нисбатан адолатли бўлиш - шахсий муносабатлар билан синов натижаларини чалкаштириб юборилмаганда энг ишончли хулосалар беради;

♦ ўқувчи томонидан бутун ўқув курсининг қай даражада ўзлаштириб олганлигини тўғри баҳолаб беради;

♦ ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятидаги типик хато ва нуқсонларни ишончли тарзда очиб беради.

Демакки, келгусида фаолиятни қандай белгилаш кераклиги аён бўлади. Педагогик диагностика фаолият ойнасидир.

Тажриба-синов ишлари нима учун керак ва у қандай амалга оширилади?

Юқорида баён этганимиздек, таълим тизимидаги барча ислохотлар Президентимиз Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китоби, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблари асосида амалга ошириляпти.

Назорат саволлари

1. Педагогик диагностика-кузатув методини изоҳланг?
2. Баҳо шкаласи қандай амалга оширилади?
3. Педагогик диагностикада сўроқлаш методи қандай аҳамиятга эга?
4. Педагогик диагностиканинг тест методини ўтказишдан мақсад нима?
5. Педагогик диагностикадан хулосалар орқали нимани аниқлаш мумкин?

4-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ДИАГНОСТИКА ТИЗИМИНИНГ АНЪАНАВИЙ ТИЗИМДАН АСОСИЙ ФАРҚИ ВА ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ

РЕЖА:

1. Педагогик диагностика – бошқарув маълумотларини олишнинг муҳим воситаси сифатида.
2. Диагностика ва ўзини-ўзи диагностика қилиш.
3. Педагогик диагностика даражалари ва тамойиллари.
4. Педагогик диагностика (ташхис қилиш) технологиялари

Диагностиканинг анъанавий тизими тизимсизлик, тўлиқсизлик, монофункционаллик, диагностика пассив усуллариининг устуворлиги, ташхисларнинг замонавий эмаслиги, тахминий танлаш ва элементларнинг илмий асосланмаганлиги ва шу каби камчиликларга эга. Шу сабабли замонавий диагностика қилиш тизими анъанавий тизимдан кескин фарқланади.

6.3.1-жадвал

№	Қиёслаш учун параметрлар	Диагностиканинг анъанавий тизими	Диагностиканинг замонавий тизими
1	Мақсад	Далилларни келтириш	Жараёни ўзаро алоқа воситаси сифатида ўар томонлама ўрганиш, ёки аниқ, тезкор тизимли маълумотларни олиш
2	Мазмуни	Алоҳида белгиларни кесим кўринишида баҳолаш	Жараёни ёки ҳолатни тезкор ўрганиш ва баҳолаш, тартибга солиш ва коррекциялаш
3	Диагностика вазифалари	Шахсий диагностика	Маълумотга оид, баҳоловчи, йўналтирилган, таҳлилий, шахсий диагностик, коррекцион
4	Диагностика поғоналари	Диагностиканинг поғонаси - тизимлилиқ	Диагностиканинг 3 та поғонаси мавжуд: компонентли тузилмавий, тизимли

5	Диагностика усуллари: а) педагог хулқ-атвориға “аралашиш” даражаси бўйича; б) диагностика жараёнида педагогнинг иштирок этиш даражаси бўйича; в) диагностика-нинг узоқ муддатлилиги бўйича	Пассив (саволнома ўтказиш, тест синови, суҳбат, кузатиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш, четдан маълумот йиғиш ва ҳ.к.) Субъектив ёки тўғри (ўзини-ўзи баҳолашнинг устуворлиги) Тезкор, қисқа муддатли (алоҳида ҳаракатлар таҳлили)	Пассив ва фаол усулларнинг уйғунлашуви (диагностик тажриба-синов, махсус ҳолатларни вужудга келтириш ва ҳ. к.) Объектив ёки тегишли (мустақил тавсифлар усули) Узоқ муддатли (хулқ-атвор, ҳолатлар таҳлили)
6	Диагностика-нинг натижавийлик кўрсаткичлари	Ўлчамларнинг тасодифий танланиши; тўлиқсизлиги; статиклик; ташхиснинг ноаниқлиги; кўп вазифалилик.	Параметрларнинг илмий асосланиши; тизимлилиқ; динамиклик; ташхиснинг тезкорлиги ва аниқлиги; “ҳаракатдан кейинги таъсир” ярим вазифалилик

Педагогик диагностика – бошқарув маълумотларини олишнинг муҳим воситаси сифатида

Асл диагностикадан ташқари иккинчи муҳим диагностик механизм – бу мониторингдир.

Мониторинг – тизимли диагностика, олинган натижаларни стандарт натижалар билан солиштириш, четлашишларни аниқлаш, таҳлил қилиш, даража ва сабабларни баҳолаш, асосий қарорларни қабул қилиш, қабул қилинган чораларнинг натижавийлигини баҳолаш ва коррекциялашдир.

Экспертиза – энг мураккаб ва қийин диагностик механизм бўлиб, унда диагностика ва мониторинг алоҳида ўрин эгаллайди. Экспертизанинг муҳим усуллариға кузатиш, ўтказилган диагностика ва мониторинг натижалари бўйича тузилган ҳужжатлар, чизмалар, жадваллар, диаграммаларни ўрганиш; саволнома ўтказиш, диагностик кесимлар ўтказиш ва бошқа бир қатор диагностик усуллар

киради.

Бошқарув жараёнининг технологияси, шу жумладан методик ишларни бошқариш технологияси, маълумотларни таҳлил қилиш жараёни сифатида 3 босқичдан иборат:

- диагностика - бошқарув объектининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни йиғиш.

- олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

- таъсир этадиган маълумотни бериш.

Шу тариқа айтиш мумкинки, тизимли, асл ва тезкор маълумот олишнинг энг асосий воситаси – бу педагогик диагностикадир.

Таълим муассасаларининг оммавий аттестацияси ўтказилаётган ҳозирги пайтда раҳбарларнинг бошқарув фаолияти давлат-ижтимоий экспертизанинг бош объекти сифатида майдонга чиқади, диагностика, мониторинг ва ўзини-ўзи экспертизадан ўтказиш эса умуммактаб методик ишлари тизимида алоҳида ўринни эгаллайди.

Хулоса қилиб айтганда, диагностик ёндашув мактабнинг ички методик тизимида қуйидагиларга имкон беради:

- педагогларнинг индивидуал-шахсий хусусиятлари ва эҳтиёжларини уларнинг касбий ва шахсий ривожланишининг барча йўналишларида инобатга олиш;

- педагогларнинг бошқарув-методик фаолиятининг оралиқ ва якуний натижаларини ҳолисона баҳолаш;

- ижодий фаолиятни ривожлантириш учун қулай шароитларни вужудга келтиришнинг истиқболларини аниқлаш;

- педагогик жамоанинг методик фаолиятини жадаллаштириш орқали ҳар бир педагогнинг касбий ўсиш дастурини белгилаб олиш;

- методик ишларни ташкил этишда нафақат касбий билимларни эгаллашдаги ўзаро ёрдам муаммосини, балки кичик ижодий гуруҳлар, илғор тажриба мактабларини тузишда психологик мослашувнинг хусусиятларини ҳам эътиборга олиш;

- педагогларнинг умуммактаб ва индивидуал методик ишлари билан ўз устида ишлаши ва ривожланиши, дунёқарашини бойитиш ишларининг узвий

боғлиқлигини таъминлаш;

- мактаб ички бошқаруви тизимининг муҳим ва таркибий қисми бўлиб ҳисобланган таълим муассасасида методик ишларнинг муқобил режалаштирилишини таъминлаш;

- ҳар бир таълим муассасаси учун муқобил муаллифлик методик тизимни лойиҳалаштириш ва жорий қилиш.

Демак, диагностика ва ўзини-ўзи диагностика қилиш замонавий диагностика ҳар бир педагог ва раҳбарнинг фаолиятига аниқлик киритади, уларни таълим-тарбия ва методик жараёни жадаллаштиришга қаратилган кўпгина амалий вазифаларни ҳал қилишга йўналтиради.

Диагностика қилиш бошқарув пирамидасини ағдариб ташлайди ва педагог шахсини унинг касбий эҳтиёжлари ва талаблари билан бирга биринчи устунга чиқаради.

Раҳбарлар, педагоглар ва ўқувчилар фаолиятининг диагностикаси ва ўзини-ўзи диагностика қилиш муаммолари бошқарув, таълим-тарбия бериш ҳамда ўқитувчи ва раҳбарларнинг малакасини узлуксиз ошириш тизими билан боғлиқ масалаларни ечишда ўта долзарб ва аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Диагностика болалар ва педагог кадрлар билан ишларни ташкил этишда, уларни ривожлантириш ва методик ишлар тизимининг самарадорлигини оширишда илмий ёндашувни таъминлайди.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш учун саволлар:

- Анъанавий диагностиканинг асосий камчиликлари нимада?
- Замонавий ва анъанавий диагностика тизимларининг фарқи нимада?
- Бошқарув тизимида асосий диагностик механизмларнинг аҳамиятли хусусиятлари нимада?
- Методик ишларни ташкил этишда диагностик ёндашув қандай аҳамиятга эга?

Диагностика ва ўзини-ўзи диагностика қилиш

Педагог томонидан ўқитиш технологияси ишлаб чиқиляётган вақтда педагогик диагностика муҳим ўрин эгаллайди. Биринчидан, инновацион технологияни ишлаб чиқишда ёки қўллашда педагогик тизимнинг бошлангич ҳолатини аниқлашдан бошлаш зарур. Бу ҳол технология мақсадларининг

диагностиклигини таъминлайди, у эса ўз ўрнида педагогик тизимнинг битта ривожланиш босқичидан янгисига, юқорирок босқичига ўтишини назарда тутлади. Иккинчидан, диагностика педагогик вазифани ечиш бўйича технологик занжирнинг якуний босқичи бўлиб ҳисобланади (Л. Ф. Спирин). Диагностика педагогик таъсирнинг маълум бир тизимга ва қўлланилган воситаларнинг самарадорлигини баҳолашга кўрсатган таъсирини аниқлашга йўналтирилган.

Педагогик диагностика педагог касбий фаолиятининг бошлангич ва якуний босқичи бўлиб ҳисобланади. Чунки педагогик диагностика даврий тавсифга эга бўлиб, у битта педагогик масалани ечиш билан чегараланмайди. Шунинг эътиборга олиш керакки, маълум бир педагогик масалани ечишда асос қилиб олинган педагогик тизимнинг мувофиқлиги педагогик тизимга шу пайтгача кўрсатилган таъсирнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Бу ҳол педагогик диагностиканинг инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда педагог фаолияти тизимини ташкил этувчи компонента бўлиб хизмат қилишини таъкидлашга имкон беради (Л. Н. Давидова).

Педагогик диагностика вазифалари:

- шахсий йўналтирилган ёндашувнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- педагог касбий фаолияти натижаларининг тўғри аниқланишини таъминлаш;
- болаларни битта гуруҳдан бошқасига кўчиришдаги хатолар сонини камайтириш;
- шахснинг таълимга бўлган қизиқишини аниқлаш;
- бола шахсининг самарали ривожланиши учун шарт-шароитларни аниқлаш;
- педагог фаолиятини баҳолаш (касбий ривожланиш даражасини ўзича баҳолаш).

Шу тариқа, педагогик диагностика бир қатор вазифаларни, яъни маълумот, баҳолаш, коммуникатив, тарбиявий-қизиқтирувчи, таҳлилий, диагностик, истиқболли ва ҳ. к. вазифаларни бажаради.

Педагогик диагностика даражалари ва тамойиллари

Педагогик диагностика турли босқичларда амалга оширилади. Н.К. Голубев ва Б.П. Битинас педагогик диагностика қилишнинг қуйидаги даражаларини умумий шаклда таърифлайдилар.

Биринчи босқич - компоненталик диагностика.

Маълумки, ҳар қандай педагогик ҳолат ва педагогик жараён кўп сонли хусусиятлар, белгилар, ўлчамлар билан тавсифланади. Объектнинг алоҳида компонентларини ажратиб, кейин уларнинг баъзиларини тавсифини олганда, педагог компоненталик диагностикани амалга оширади. Бироқ компоненталик диагностика берадиган истикболлар ҳар доим ҳам тўла амалга ошавермайди ва паст амалий кўрсаткичларга эга бўлади. Диагностика амалий аҳамиятга эга бўлиши учун уни давом эттириш лозим.

Иккинчи босқич - тузилмавий диагностика.

Тузилмали диагностика босқичига ўтиш педагогнинг вазифасини мураккаблаштиради. У педагогик жараён алоҳида компонентларининг ҳолатини аниқлашдан улар орасидаги алоқаларни аниқлашга ўтади. Бошқача айтганда, ушбу босқичда жараённинг тўзилмаси аниқланади, демак, педагогик жараён алоҳида компонентлари орасидаги боғлиқликнинг турли даражаларини аниқлаш учун тахминларни илгари суриш имконияти пайдо бўлади. Гуруҳдаш ўрнига таҳлил усуллари келиб чиқади, улар объектнинг алоҳида томонларини шакллантириш учун танланган шароитларнинг тўғрилиги ва натижавийлиги орасидаги боғлиқликнинг мавжудлигини тасдиқлаш ёки инкор қилишга имкон беради. Диагностиканинг бу босқичида ўлчамлар сони қисқаради (асос қилиб олинган баъзи ўлчамлар чиқариб ташланади, бошқалари умумлаштирилади). Демак, натижалар амалда қўлланилишига якин бўлади. Шунга қарамай, фақат кейинги босқичда диагностика тугалланганлик кўринишига эга бўлади.

Учинчи босқич - тизимли диагностика.

Бу диагностика тури педагогик жараён алоҳида тарафларининг вазифасини бугун тизимли ҳолат ҳамда ушбу жараённи ривожлантириш вазифаси сифатида аниқлашга имкон беради. Ушбу босқичда нафақат алоҳида компонентлар орасидаги алоқаларнинг тўла кўриниши намоён бўлади, балки турли педагогик тизимости ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш вазифаси ҳам қўйилади. Кўп вақтлар мобайнидаги кузатиш танланма тадқиқотларининг ўзини мужассамлаштирадиган педагогик диагностика қўйилган мақсаддан тортиб якуний натижага эришишгача бўлган педагогик вазиятлар занжири қай даражада ривожланишини кузатишга имкон беради. Тизимли даражасида диагностика

тугатилади.

Шуни таъкидлаш керакки, педагогик диагностика барча босқичларда чекланган мақсадларга эришишга етарли бўлган маълум бир вазифани бажаради. Босқич тури педагог қандай натижаларга эришмоқчи эканлигига боғлиқ. Турли вазифалар педагогик фаолиятнинг турли босқичларини назарда тутди.

Педагогик диагностика (ташхис) тамойиллари.

Умуман олганда, педагогик диагностика тамойилларини қуйидагича таърифлаш мумкин.

Бутунлик тамойили. Педагогик диагностиканинг ушбу тамойилига риоя қилишда объектни маълум ўзаро боғлиқ компонентлардан ташкил топган бутун бир тизим сифатида кўриш лозим, чунки бундай ёндашув объектнинг амал қилиш механизмига киришга, унинг таркибий қисмлари ўзаро таъсир алоқаларининг кўринишини тўзишга, уни тугалланган бир нарса сифатида кўришга имкон беради.

Бош занжир (бўғин) тамойили. Педагогик жараён ва уни бошқариш шу қадар кўп қиррали ва мураккабки, уларнинг ҳар бир тарафини ёки алоқаларини диагностика қилиш мумкин эмас. Қабул қилиш, педагогик далилларни ёзиб олиш ўзининг аҳамияти ва ҳаққонийлиги бўйича кўп сонли хулосаларга олиб келади.

Маълумки, педагогик жараёнга кўпгина, баъзан тасодифий омиллар ҳам таъсир қилади. Шу сабабли ўрганилаётган объектнинг амал қилишига таъсир қилаётган асосий занжир(бўғин)ни ажратиб олиш зарур. Бу ҳол жараёни бошқариш бўйича чораларни ишлаб чиқишга ва бошқа аҳамиятсиз ва тасодифий омилларнинг таъсирини камайтиришга имкон беради. Бироқ диагностика қилиш дастурини тўзишда диагностик жараён вақтида бош занжир қўйилган вазифаларнинг ечилишига қараб ўзгариши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Ҳаққонийлик тамойили. Ушбу умуммиллий тамойил бутун диагностик жараённинг ўзгартирилиши билан боғлиқ. Хусусиятларни ўрганиб, ички ва ташқи алоқаларни таҳлил қила туриб, педагог мавжуд далилларни тушунтиришга, педагогик хулосалар чиқаришга, маълумотларга ўз муносабатини шакллантиришга ҳаракат қилади.

Педагогик жараёнда бир қанча субъектив маълумот мавжуд бўлганлиги сабабли ушбу тамойилга риоя қилиш муҳимдир.

Шунинг учун педагог ўзига нисбатан ўта талабчан бўлиши, ҳолатларни

баҳолашда, фикрларини ифодалашда илмий ёндашувни қўллаши, уларни ҳар томонлама текшириши керак.

Детерменизм тамойили. Бу тамойил педагогик ҳолатларнинг сабаб-шартларини, улар орасидаги алоқалар ва боғлиқликларнинг турли қонуниятларини таъкидлайди.

Педагогик ҳолат баъзида бошқа аниқ ҳолатларнинг таъсири натижаси сифатида пайдо бўлишини тан олиш керак. Эҳтимол, сабаб ва оқибат орасидаги алоқа битта ҳолатнинг иккинчисини келтириб чиқаришидадир. Шунинг учун ушбу алоқани излаб топиш педагогик диагностика қилишда сабабларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Таҳлил ва синтез тамойили. Педагогик диагностика объекта бир қатор омиллардан ташкил топганлиги сабабли унинг негизига даражада етиб бориши мушкул. Бунинг учун таҳлил ўрганилаётган объектнинг ҳаёлан тақсимланиб кетиши сифатида қўлланилади. Таҳлил ёрдамида диагностика қилинаётган объект қандай мустақил элементлардан тўзилганлиги, қандай алоқалар, муносабатлар билан тавсифланиши аниқланади. Бу ҳаракатлар турли тавсифлар, белгилар, хусусиятларни аниқлашга қаратилган. Тақсимланиш натижасида тузилмавий бирликлар, алоқалар, ўзаро таъсирлар, ўзгаришлар мақсадли ўрганилаётган предметга айланиб қолади.

Таҳлил объектнинг ажратилган қисмларини ҳаёлан ягона бир жисмга бирлаштиришга йўналтирилган синтез билан боғлиқ бўлиши сабабли, таҳлил ва синтез диагностик жараёнда бир-бири билан уйғунлашади.

Педагогик диагностика тамойиллари тизимининг чегаралари, бизнингча, қуйидагича: таъкидлаш лозимки, мазкур тамойиллар педагогик диагностиканинг барча босқич(даража)ларида қўлланилади, лекин педагог томонидан қўллаш коэффициента турлича. У ёки бу тамойилнинг қўлланиш хусусияти ва улуши ҳар бир ҳолатда мақсади, ҳажми ва диагностиканинг тегишли босқичи билан аниқланади.

Педагогик диагностика (ташхис қилиш) технологиялари

Агар технологияни босқичлар кетма-кетлиги тизими сифатида кўрадиган бўлсак, унда педагогик диагностика технологияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

1. Объектни, педагогик диагностиканинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш.

2. Ўтказиладиган диагностикани режалаштириш.
3. Қулай диагностик воситаларни (омил, даража, усул) танлаш.
4. Диагностика қилинадиган объект тўғрисида маълумот йиғиш (аниқ ва муқобил, қулай ҳолатларнинг нисбати).
5. Ўтказилган диагностика натижасида олинган маълумотни қайта ишлаш, таҳлил қилиш.
6. Ҳаққоний маълумотни таҳлил қилиш асосида диагностика қилинаётган объект компонентларини янги бирликка синтезлаш.
7. Объектнинг ривожланиш истиқболлари.
8. Педагогик ташхисни асослаш ва баҳолаш.
9. Педагогик ташхис натижаларини амалда қўллаш.
10. Объектни ўзгартириш мақсадида педагогик жараёни бошқариш коррекцияси (тўғрилаш)ни амалга ошириш.

Назорат саволлари

1. Педагогик диагностика — бошқарув маълумотларини олишнинг муҳим воситаси сифати нималардан иборат?
2. Диагностика ва ўзини-ўзи диагностика қилиш деганда нимани тушунасиш?
3. Педагогик диагностика даражалари ва тамойилларини изоҳланг?
4. Педагогик диагностика (ташхис қилиш) технологиялари нималардан иборат?

5-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАДА ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШ

Режа:

1. Билиш фаолияти ва жараёнлари сўзларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Хотирани ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3x4 педагогик технология асосида) -20 дақиқа.
3. Шахс хотираси хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ўрганиш бўйича амалий машқ - 10 дақиқа.
4. Сенсамотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар. Сеген доскаси методикаси. Кос кубиклари методикаси. Линк куб. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш. Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш. - 40 дақиқа.
5. Дарсга яқун ясаш - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик

тарқатма материаллар

1. Билиш фаолияти ва жараёнлари сўзларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар иборалар келади (Ақлий ҳужум).
2. Хотирани ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги фикрлар мунозараси 3x4 педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олинади, унинг юқори қисмига хотирани ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Шахс хотираси хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ўрганиш учун методика.

Пиктограмма методи.

Бевосита эсда олиб қолиш хусусиятларини пиктограмма, яъни расмли ассоциациялар методи орқали ҳам ўрганиш мумкин. Пиктограмма экспериментал-психологик тадқиқот усули сифатида биринчи марта Л.В.Занков (1935) томонидан қўлланган. Синалувчи аниқ сўзни расмдаги тасвир орқали эслаб қолиши керак. Синалувчи сўз ва тасвир ўртасидаги алоқани ўйлаб топиши керак, бу эса кейинчалик сўзни қайта эсга туширишга ёрдам беради.

Расм ва сўз ўртасидаги ассоциатив алоқани шакллантириш жараёнида инсон шундай мазмунли алоқаларни танлайдики, унинг фикрича, бу расмлар сўзни эслаб қолиш учун яроқли бўлади (А.Р.Лурия, 1967). Шунинг учун ҳам бу методика орқали тадқиқот ўтказиш фақатгина ассоциатив, бевосита хотира хусусиятларгина эмас, фикрлаш фаолияти характери, тушунчалик тафаккурнинг ривожланиши даражаси ҳақида ҳам билиш имконини беради (С.В.Лонгинова, С.Я.Рубейнштейн, 1972, Б.Г.Херсонский, 1988).

Методиканинг мазмуни шундан иборатки, синалувчи аниқ бир сўзни, тушунчани эслаб қолиб, ўзи мустақил расм схема чизади. Бу чизилган расм ёки схема кейинчалик сўзни-тушунчани эсга туширишга ёрдам бериши керак. Алоҳида ҳарф тавсия этилмайди. Тажриба ўтказиш учун олдиндан тайёрланган қоғоз варағи ва қалам керак бўлади. Кейинчалик синалувчини қуйидаги сўзларни эшитиш ва эсда олиб қолишга ва топшириқларни бажаришга таклиф қилинади. «Мен сизга сўзларни айтаман, сиз бўлсангиз уларни яхшироқ эслаб қолиш учун кичикроқ расм чизиб олинг. Расм чизиш тезлиги ва расмнинг сифати сизни хавотирлантирмасин. Асосийси, сиз кейин расмга қараб туриб, эслаб қолиш учун сўзлар берилганлигини айтсангиз бўлди. Сўзлар ёки бирикмалар қуйидагилар бўлиши мумкин.

Ватан	Тоғ
Учиш	Вақт

Тараққиёт	Бахт
Роҳат	Ўқиш
Кўрқинч	Йиртқич
Ўрмон	Йўл
Қувват	Эътиқод
Касаллик	Актёр
Қувонч	Инсоният
Дарахт	Миш-миш

4. Сенсамотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар. Сеген доскаси методикаси. Кос кубиклари методикаси. Линк куб. Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш. Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади. Тақдимот тайёрлаш учун 20 дақиқа ва ҳар бир гуруҳ тақдимоти учун 4 дақиқадан, тақдимотлар муҳокамаси учун 4 дақиқа ажратилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

Сенсомотор таъсирланиш ва диққатни ўрганиш учун методикалар.

Турли ёш давридаги болалар гуруҳини текширишда психодиагностика методикалари ўз хусусиятларига эга. Масалан: чақалоқлик давридаги болаларни текширишда сенсамотор ҳаракатларни ўрганишга мўлжалланган методлар қўлланилади. 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни текширишда содда ҳаракатларни ёки оғзаки қўлланмаларни бажаришга қаратилган топшириқлар берилади. Қалам, қоғоз, пластилин ва бошқа ўқув воситалари қўлланиладиган топшириқлар бола катта бўлган сайин қийинлаштириб борилади.

Болаларни психологик текширувда чет ва собиқ совет психологлари

фойдаланган анънавий методикаларни кўриб чиқамиз.

Инсоннинг сенсамотор соҳаси асосий нерв жараёнлари ҳаракатчанлиги типини, ихтиёрий диққат даражасини, ишга қобилятлиқ суръатини характерлайди. Маълумки, бола ҳаётининг дастлабки йилларида жисмоний ва рухий сифатларининг ривожланишда сенсамотор фаоллиқ бош мия фаолиятида шартли рефлектор алоқаларининг мустаҳкамланишига имкон беради (Я.П.Фрумкин, С.М.Ливишин,1979). Улар шу билан бирга темперамент, ирода, ҳиссиёт хусусиятларининг ҳамда билиш психик жараёнларининг ривожланишига имкон беради (Э.А.Голубева, 1980. Э.Б.Аюрова, 1986).

Масалан, 1-2 ёшли болалар сенсамотор соҳасини текширишда анъанавий методлардан фойдаланиб, у ёки бу ҳаракат малакаларининг қандай шаклланганлигига, улар маълум ёш давридаги ўртача кўрсаткичга қанчалик мослигига эътибор берилади. Кўпинча бу тадқиқотлар болалар мотор ҳаракати ривожланишидаги кечикиш мавжудлиги кейинчалик боланинг барча психик тараққиётида кечикиш содир бўлишининг объектив замини сифатида қаралиши керак. Шу билан бирга, эрта юрган бола ўз тенгдошларини барча томондан қолдириб кетади, деб фараз қилиш ҳам хатодир. Бола ҳаётининг биринчи икки йилидаги умумий жисмоний тараққиёт боланинг кейинги ақлий тараққиётини белгиламайди (Р.Н.Мюссен,1987).

Боланинг сенсамотор соҳада ривожланиш даражаси ҳақида унинг атрофидаги турли предметлар, жумладан, ўйинчоқлар билан ҳаракат қилиш хусусиятлари дарак бериб туради. Ўйинчоқдан диагностик қурол сифатида фойдаланиш унинг теварак-атрофидаги ходисаларни билишга интилиши ва фаоллиқ даражаси ҳамда предметлардан фойдаланишда амалий кўникмаларнинг мавжудлигини аниқлаб беради.

Каттароқ болаларни текширишда конкрет психологик методикалардан фойдаланиш мумкин. Чунки худди шу даврдан бошлаб, сўзли топшириқларни бажариш бўйича йўл-йўриқларни тушуна бошлайди, унда

зарур шахсий сифатлар шаклланган бўлади, билишга қизиқиш ривожланган бўлади, у катталар билан бирга экспериментал психологик тадқиқотларда нисбатан узоқроқ иштирок этиш ҳолатида бўлади.

Сеген доскаси.

Бу методика олигофренопедагогика асосчиларидан бири Э.Сеген томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, боланинг шаклларни фарқлаш қобилиятини аниқлашга, моторика хусусиятларини ўрганишга қаратилган (Н.А.Шиварев,1970). Каттиқ қоғоз ёки кардонга фигуралар чизилади.

Кейин уларни эҳтиёткорлик билан қирқиб олинади. Ҳар бир вариант бир-биридан мураккаблиги билан ажралиб туради.

№1 доскада 10 та ҳар хил бутун фигуралар бор; №2 доскада 2та фигура бўлиб, уларнинг ҳар бири икки ва уч қисмдан иборат; №3 доскада ҳар бири икки ва уч қисмдан иборат 4та фигура; №4 доскада икки қисмдан иборат 5та (фигура) шакл.

Болага 10 сония давомида доска кўрсатилади. Кейин доскадаги шакллар стол устига тушадиган қилиб ағдарилади. Экспериментатор уларни аралаштириб, ҳар бир шаклни ўз жойига қўйишни боладан сўрайди. Тажриба бошида экспериментатор 2-3 намунани кўрсатиб бериши мумкин. Кейин боланинг топшириқни қандай бажараётганини диққат билан кузатади. Бунда бола «синаш ва хато қилиш» каби ҳаракатлар қиладими, шаклларни жойига қўйишда бола диққат-эътибор бериб, кузатиши керак. Биринчи топшириқни бажаргандан сўнг, кейинги қийинроқ топшириққа ўтилади. Синалувчининг ҳар бир топшириқни бажариш вақти, унинг қилган ҳаракатлари махсус қарорга ёзиб борилади. Синалувчи топшириқларни ўзи бажара олмаса, бир дақиқадан сўнг унга ёрдамлашиш мумкин. Бу методика жуда содда бўлиб, 3 ёшдан катта болаларни текширишда фойдаланиш мумкин. Болалар фигураларни ўйин деб қабул қилиб, бу топшириқларни қизиқиб ўйнайдилар.

Шаклларни жойлаштириш бўйича топшириқларни бажариш қарори.

Доска №	Синалувчи харакатлари	Кўрсатилган ёрдам тури	Топшириқни бажариш вақти

2-гурӯх учун тарқатма материал.

Кос кубиклари.

Бу методика 1923 йилда С.С.Кос томонидан таклиф этилган бўлиб, фазода иш тутиш, диққат, зийраклик, қуриш-яшаш хусусиятларини ўрганишга мўлжалланган. Бу методика Д.Векслернинг (1939, 1955) методикасига ақлни текшириш субтести сифатида киритилган.

Одатда уни катталарни текширишда қўллашади, лекин бундай топшириқларни болалар ҳам қизиқиб ўйнайдилар. Болалар берилган намунасига кўра кубиклардан шакллар яшашлари керак.

Тажриба ўтказиш учун бир хилда бўялган пластмасса ёки ёғоч кубиклар керак бўлади. Кубикларнинг катталиги 3х3см, шакли ва ранги ҳар хил шакллар чизилган 10 та расм зарур.

Синалувчи учун кўрсатма: «Шундай шаклни тўртта кубикдан ясаб кўр». Расмнинг биринчи намунаси кўрсатилади ва синалувчи таклиф этилган шаклларни кубиклардан ясай бошлайди.

Кубикларни расмнинг устига қўйиб, топшириқни бажариш ман этилади. Вақт ҳисобга олинади. Топшириқни бажаришнинг аниқлигига ва узоқлигига боғлиқ равишда миқдорий баҳо қўйилади.

Боғча ёшидаги ва бошланғич синфдаги болалар топшириқни бажаришганда озроқ ёрдам бериш мумкин. Бола агар қийналса, 1-2 шаклни ясаб кўрсатиш мумкин. Бунда экспериментатор фақатгина ясаб кўрсатмасдан, қуриш принципини ҳам тушунтиради. Шаклни ясаб бўлгач экспериментатор кубикларни бузиб ташлайди ва синалувчига мустақил кубикларни яшашини айтади. Тадқиқот қарорида кўрсатилган ёрдам ва

бажарилган вақти ёзиб қўйилади.

Линк куб.

Бу методика диққат барқарорлигини, зийраклигини, ҳиссий реакцияни аниқлашга имкон беради. Тажриба ўтказиш учун 3х3см, катталиқда бир хил 27 кичик кубчалардан иборат куб керак. Кичик кубчаларнинг томонлари 3 хил (қизил, яшил, сариқ) рангларга бўялган бўлади, улардан ташқи томонидан бир хил рангдаги катта кубик ясаш мумкин бўлсин.

Болага бир хил рангли куб кўрсатилади (масалан қизил), сўнгра бузиб ташлаб, худди шундайини яна куриш кераклиги айтилади. Экспериментатор кўшимча равишда болага, агар у қизил томонини ичкарида қолдирса, унда қизил ранг ташқари томонда етишмаслиги айтилади. Топшириқни бажариш вақтида синалувчининг зийраклигига, тез бажаришига, ҳиссиётига аҳамият берилади.

3- гуруҳ учун тарқатма материал.

Мейли тести ёрдамида кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганиш.

Р.Мейли тести 1961 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, 7-14 ёшли болалар ва катталарнинг кўриш ва эшитиш хотирасини ўрганишда қўлланилади. Тадқиқот икки босқичдан иборат:

Биринчи босқичда расмда тасвирланган предметларни хотирада олиб қолиш хотираси ўрганилади.

Иккинчи босқичда тадқиқотчи ўқиб берган сўзларни, предметларини эшитиб эсда олиб қолиш қобилияти ўрганилади. Бу тадқиқотлар бир кунда ўтказилмайди. Хотиранинг ўрганилаётган Мейли тести учун қўзғалувчи материал – жадвал.

Тадқиқот босқичлари

Расмларнинг 1 серияси	Расмларнинг 2-серияси	Сўзларнинг 1 қатори	Сўзларнинг 2 қатори
Нухат	Чиғаноқ	Картон	Жадвал
Эшак	Кроват	Вагон	Ҳафта
Калит	Труба	Дехқон	Сўм

Арава	Нок	Пианино	Қарға
Қўнғироқча	Супурги	Ботинка	Ёруғлик

ва ҳақозо ҳаммаси бўлиб 6-та сўзлар тўплами мавжуд.

Тажриба ўтказиш учун турли предметлар тасвирланган 60 та расм икки серияда ва 60 та сўзлар тўплами – 2 қаторда керак бўлади.

Кўриш хотираси ўрганилаётганда қўйидаги қўлланма берилади: «Ҳозир мен сизга турли предметлар тасвирланган расмларни кўрсатаман, сиз уларнинг номини исталган тартибда айтасиз. «Расмларнинг ҳар бири 2 сония кўрсатилади, 10 сония танаффусдан кейин синалувчи предметларни ҳам, расмда йўқ бўлган қўшиб қўйилган предметларнинг номини ёзиб боради. Расмларнинг 2-серияси бошқа куни, сўзлар қатори бўйича тажрибалар ҳам бошқа кунлар ўтказилади. Синалувчига қўйидаги қўлланма берилади: «Мен ҳозир сизга сўзлар қаторини ўқиб бераман, сиз бўлса эшитиб бўлганингиздан сўнг, уларни исталган тартибда менга айтиб берасиз». Тадқиқотчи тадқиқот қаторига синалувчи айтган барча сўзларни такрорланганларини ҳам, йўқ сўзларни қўшиб қўйганларни ҳам ёзиб боради. Олинган натижалар фоизларда миқдорий ўлчаш орқали қилиниши мумкин.

Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш.

Кўриш хотираси хусусиятларини Д.Векслер (1945) таклиф этилган методика ёрдамида ўрганиш мумкин. Бу методика хотира шкаласини ўрганиш субтестларидан биридир. Синалувчига турли геометрик шакллар тасвирланган расмларга қараш таклиф этилади. Ҳар бир расм синалувчига 10 сония кўрсатилади. Кейин синалувчи тоза оқ қоғозга кўрган нарсасини қайта эсга тушириб, чизиши керак. Тажриба натижаларини миқдорий таҳлил қилиш мумкин.

Шакл А: 1) икки кесишган чизиқ ва икки байроқ - 1 балл; 2) тўғри жойлаштирилган байроқ - 1 балл.

Чизиқлар кесишда тўғри бурчак - 16 балл. Энг юқори – 3 балл.

Шакл Б: 1) катта квадрат иккита диаметри билан – 1 балл; 2) катта

квадратда 4 та, кичик квадратда 4 та кичик квадрат - 1 балл; 3) ички диаметр барча квадрат ички квадратчалар билан - 1 балл; 4) квадратчалардаги 4 та нуқталар – 1 балл; 5) аниқ тақсимлангалик – 1 балл.

Синалувчи олиш мумкин бўлган энг юқори баҳо 5 балл ва ўнг ёки чап томонлари эсга туширилганда энг юқори баҳо 3 баллга тенг ҳисобланади.

Шакл Г: 1) катта тўғри бурчак ичида кичик тўғри бурчак – 1 балл; 2) ички тўғри бурчакнинг ҳамма учлари ташки тўғрибурчак учлари билан бирлаштирилган – 1 балл; 3) кичик тўғри бурчак катта тўғри бурчакда аниқ жойлаштирилган – 1 балл.

Энг юқори баҳо 3 балл. Энг юқори натижа –14 балл.

Бу методикадан болалар боғчаларининг катта ва тайёрлов гуруҳи болаларини ҳамда бошланғич синф ўқувчиларини текширишда фойдаланиш мумкин. Бу топшириқларни бажарганларидан сўнг болаларни нафақат геометрик шаклларни хотирада олиб қолиши ва уни эсга тушириш қобилиятлари ҳақидагина эмас, балки хотира бўйича расм чизиш малакаларининг шаклланганлиги, сенсомотор фаолият ҳолати ҳақида ҳам била олишга имкон беради.

Назорат саволлари

1. Пиктограмма методи нима?
2. Сеген доскаси нима?
3. Кос кубиклари нима?
4. Линк куби нима?
5. Кўриб эсда олиб қолинган нарсани қайта тиклаш қандай аҳамиятга эга?

6-МАВЗУ. ТАЪЛИМ ОЛГАНЛИКНИ ТАШХИС ЭТИШ

Режа:

1. Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти.
2. Ўқув жараёнида назорат ва ҳисобга олиш функциялари.
3. Таълим олганликни натижаларини текшириш ва баҳолаш тамойиллари.
4. Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакллари ва методлари.
5. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

Мавзунинг мақсади: Таълим мазмуни ва унга қўйилган замонавий талаблар ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими (ЎМКХТ)да уларга эътибор, шунингдек, ЎМКХТ тизимининг меъёрий ва методологик асосларини Таълим олувчилар онгига сингдириш.

Мавзунинг вазифалари:

1.Ихтисослашган илмий ташкилотлар ва янги номдаги фанларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар мазмунига қўйилган талабларни таълим олувчилар онгига сингдириш.

2.Таълим олувчиларга компютернинг икки муҳим хусусияти тўғрисида маълумот бериш.

3.Назария ва амалиёт интеграциясида таълим мазмунининг роли ва ўрнини ёритиш.

4.Замонавий таълим мазмунининг меъёрий ва ҳуқуқий асослари ҳақида таълим олувчиларга маълумот бериш.

5.Таълим мазмуни тамойиллари ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш механизмини таълим олувчилар онгига сингдириш.

6.Таълимни инсонпарварлаштиришда «ўз-ўзингни англа» тамойилига амал қилишининг мазмун-моҳиятини ёритиш.

7.Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда ўқув режадаги фанлар блоклари алоқадорлигининг аҳамияти.

8.Ўқув режалари ва дастурлари ҳамда ўқув адабиётларни яратишга янгича ёндашув қилиш аҳамияти.

9.Электрон ўқув адабиётлар авлодини яратиш технологиясини таълим олувчилар онгига сингдириш.

10.Ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва ўқув адабиётларидан ижодий фойдаланишга йўлланма бериш.

11.Замонавий дарсликларнинг асосий функциялари таълим олувчилар онгига сингириш.

Мавзу бўйича таянч иборалар:

Илмий-техника, Таълим мазмуни, ихтисослашган илмий кенгашлар, кибернетика, информатика, геофизика, бионетика, математик мингвистика, эътимоллар назарияси, эргономика, техник эстетика, компьютерлаштириш, компьютерли тизимлар, «Фан—>Таълим—>амалиёт», «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», ДТС, Касб-ҳунар таълими, касб-ҳунар коллежлари, таълим мазмуни тамойиллари, таълимни инсонпарварлаштириш, ижтимоий тажрибалар, умумтаълим фанлари, ижтимоий фанлар, мутахассислик фанлари, ўқув фанлари блоки, ихтисослик (мутахассислик) фанлари блоки, ўқув амалиёти блоки, коллеж ихтиёридаги соатлар блоки, ўқув режа, ўқув фани дастури, дарслик, ўқув қўлланма, электрон китоблар, дарсликнинг асосий функциялари, халқаро стандарт таснифлаш, таълимнинг тармоқ стандарти.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқув режалари. Ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тавсифлари ва уларни яратишга янгича ёндашув

Ўқув режа - ҳар бир мутахассислик бўйича малака ва ДТСда келтирилган талабларни таоминловчи муайян таълим йўналиши бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни курс ва семестр давомида ўрганишнинг изчиллиги ва соатларидаги қатнашишини белгилайдиган ҳужжат. Ўқув режасига кирган фанлар мазмунини ўқув дастурлари ва мавзулар режаси ташкил этади. Ўқув режаси ўқув шаклларини,

Ўқув предметларининг рўйхатини ва ҳажмини, уларнинг ўқув ҳафталари, ярим йилликлари бўйича тақсимланишини белгилайдиган, бўлажак мутахассисларни ўқув предметлари, касбий ва умумтаълим тайёргарлиги орасида ўзаро боғлиқликни таъминловчи меъёрий ҳужжат.

Ўқув фани дастури ҳам худди ўқув режаси каби муҳим давлат ҳужжати бўлиб, унда муайян ўқув предмети мазмуни очиқ берилади ва ўқув йили давомида таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми кўрсатилади. Ўқув фани дастури таълим мазмуни, унинг таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат. Ўқув фани дастурлари тегишли таълим (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ёки олий таълим) туридаги барча таълим муассасалари учун ягона, унинг талаблари тоа равишда бажарилиши мажбурийдир. Дастур тушунтириш хати, бўлим ва мавзулар бўйича ажратилган соатлар ҳажми, дастур материали мазмуни ҳамда тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ўқув дастурлари қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

1. Дастур мазмунининг илмий хусусиятига эғалиги.
2. Дастур мазмунининг ижтимоий-ғоявий хусусиятга эғалиги.
3. Назарий ғояларнинг амалиёт билан бирлиги.
4. Дастур мазмунининг ижтимоий-тарихий хусусиятга эғалиги ва аниқ ғояга асосланганлиги.
5. Дастур мазмунининг муайян тизимга эга бўлиши.
6. Ўқув предметлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғланишларнинг мавжудлиги.
7. Ўқув дастурини тайёрлашдаги таълим олувчиларнинг психологик ва руҳий хусусиятларини эътиборга олиш.

Демак, ўқув режаси ва дастури таълим муассасаси маъмурияти, таълим олувчилар жамоаларининг сўзсиз амал қилишлари лозим бўлган давлат ҳужжатларидир. Таълим жараёнини самарали олиб бориш учун буларга мос дарсликлар тайёрланади.

Дарслик—ДТС, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий мафкура ғоялари сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр.

Демак, дарслик бу - муайян ўқув предмети мазмунини ўқув дастурида кўсатилган ҳажмда, дидактик талабларга мувофиқ равишда батафсил баён қилинган китоб бўлиб, унинг **характерли хусусияти** дарслик мазмунининг ўқув дастури мазмунига мос келишидир. Дарсликдаги материал бўлимлар бўйича тақсимланади. Ҳар бир мавзу, муайян боб, унинг таркибида бўлган бандлар асосида очиқ берилади.

Дарсликнинг кириш қисмида фаннинг жамият ва табиатдаги ўрни, роли ва методологик асоси, мақсади, вазифалари ва ечимини кутаётган муаммолари, бошқа фанлар билан боғиқлиги, бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар, фанга тегишги соҳа ёки ишлаб чиқаришнинг замонавий тараққиёти ҳамда талабанинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ёритилиши талаб қилинади. Кириш тушунарли ва қисқа баён этилиши лозим.

Дарсликнинг асосий матни — бу таълим олувчи томонидан ўрганилиши ва ўзлаштириши мажбурий бўлган ўқув ахборотининг асосий манбаи вазифасини бажаради. Матннинг моҳиятини асосий тушунчалар, қонунлар, қоидалар, назариялар, мезонлар, тамойиллар ва фаолият усуллари ҳақидаги билимлар ташкил этади. Дарсликдаги қўшимча материаллар. Бу матнлар асосий матнда баён қилинган ҳолатларни мустаҳкамлаб ва чуқурлаштиришга, касбий қобилиятларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув материалларини ўз ичига олади. Қўшимча матнларга белгилашлар, ҳужжатлар (хрестоматик) материаллар, амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган машқлар, хулосалар, тавсиялар, маълумотлар киради. Дарсликдаги мустақил ишлаш учун саволлар ва топшириқлар матнига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Таълим оловчилар томонидан ўтилган мавзуларнинг мустаҳкам ўзлаштирилишини таоминлаш;

- Таълим оловчиларни билим олишга қизиқтиришни ривожлантириш;

- фикрлаш фаолиятини ривожлантириш, таққослаш, синтез ва таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маъоратларини шакллантириш;

- Таълим оловчиларнинг амалий топшириқларни бажара олиш имкониятларини инобатга олиш;

- тасдиқларнинг аниқлиги ва тушунарлилиги, ягона намунага мос келиши.

Дарсликдаги билим ва кўникмаларни назорат қилиш материаллари матнидаги назорат саволлари таълим оловчиларни билим олишга қизиқишларини, мустақил фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга, таққослаш, синтез ва таҳлил қилиш усулларида фойдалана олиш маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Дарсликдаги информатсион-услугий таоминот - бу ушбу фанга оид асосий ва қўшимча ўқув манбалари, электрон таълим ресурслари ҳамда услубий қўлланмаларни ўз ичига олади.

Дарсликдаги қўшимча маълумотлар матнига мазкур дарсликдан фойдаланиш тартиби, ўқув материални ўрганишга тегишли электрон восита (мултимедиа, виртуал стенд, анимация ва ҳ.к.)лар ва улардан фойдаланиш тартиблари киради.

Ўқув қўлланма - бу дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштиришни таъминловчи айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки машқ ва машғулотлар олиб боришга мўлжалланган нашр.

Электрон ўқув адабиётлар ва уларни ишлаб чиқишга қўйилган талаблар

Кейинги пайтларда дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишга янгича ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Бу борада электрон ўқув адабиётларини яратиш ўзининг ижобий педагогик самараларини бермоқда. Бунда электрон китоб

(мултимедиа китоб, ярим медиа китоб, гипермедиа китоб, интеллектуал китоб, телемедиа китоб, кибернетик китоб)лар, электрон нашр, электрон таълим ресурслари, электрон услубий қўлланма, электрон форумлар, электрон шаклдаги ўқув-услубий материаллар, электрон ўқув нашри ва шу кабиларнинг аҳамияти бекиёс. Қуйида улар тавсифларини келтирамиз.

Электрон дарслик - бу анонавий дарсликдан фарқли ўлароқ, фанга оид тегишли материалларни динамик талқинда, яғни фойдаланувчи эътиборини жалб қилувчи турли ранглардан, мултимедиа, аудио ва видео анимациялар, гипермуурожаатлардан ўринли фойдаланган ҳолда тузилган ёхуд **дастурларштирилган** дарсликлар. У компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллари, илмий адабиётларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштирилишига мўлжалланган адабиёт. Шунингдек, у муайян фаннинг ўқув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьютер технологияларига асосланган бўлиб, унда материаллар (ўқув ва илмий материаллар фақат виртуал (матн) шаклида, ўқув материаллари эса виртуал (матн) ва икки ўлчамли график шаклида) мултимедиа элементлари, яъни маълумот икки уч ўлчамли график кўринишида, видео, анимация ва қисман виртуал (матн) шаклида, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини ифодаладиган шаклда яратилади.

Электрон китобларни яратиш таълим тизимига СД-РОМ ва мултимедиа технологияларининг кенг жорий қилиниши, электрон ўқув адабиётларининг ишлаб чиқилишига ва уларнинг таълим-тарбияда самарали қўлланишига катта имкониятлар яратиш жараёнидан иборат бўлади.

Электрон китоблар тўртта йўналишдан иборат бўлади. Улар: қомусий; маълумот берувчи; ўқитувчи; имтиҳон олувчи.

Электрон китоблар ахборот турлари ва уларни фойдаланувчига етказиб бериш билан шуғулланади. Бунда **мултимедиа китоблар** — бу ахборотларни битта ахборот ташувчи воситасига жамлаган бўлиб, у матнли, овозли, статик, динамик ва видеотасвирли маълумотлардан ташкил топган

бўлади.

Яриммедиа китоблар - бу мултимедиа китоблардан фарқли равишда маълумотларни етказиб беришда турли воситаларнинг комбинациясидан фойдаланувчи китоблар.

Гипермедиа китоблар- бу мултимедиа китобларнинг такомиллашган шакли бўлиб, бунда фойдаланувчи асосий матндан ташқари турли қўшимча манбааларга ҳам (шарҳларга, атамаларнинг изоҳларига, тузатишларига) мурожаат қилиши мумкин.

Интеллектуал китоблар - бу имтиҳон олувчи китобларга ўхшаш бўлиб, бунда таълим олувчиларнинг қобилиятлари, билим даражалари махсус тестлар ёрдамида уларнинг компютер билан мулоқот жараёнида аниқланади ва баҳоланади.

Телемедиа китоблар — бу телекоммуникация воситалари ёрдамида масофадан ўқитишга хизмат қилувчи китобдир.

Кибернетик китоблар - бу математик моделлаштириш воситалари ёрдамида ҳодисаларни ва объектларни ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилишга ёрдам берувчи китобдир.

Электрон таълим ресурслари - бу муайян фан бўйича яратилган электрон ўқув қўлланма, электрон кўрсатмалар, электрон маълумотномалар, луғатлар, виртуал стендлар, мултимедиа воситалар ва бошқа электрон нашрлар мажмуасидир.

Электрон нашр - бу графикли, матнли, рақамли, нутқли, мустақил, видео-фото ва бошқа ахборот объектлари мажмуасидан иборат бўлиб, улар электрон ахборот ташув воситалари ёки компютер тармоғи орқали тақдим этишга мўлжалланган.

Электрон ўқув нашри - бу таълим олувчилар томонидан эгаллашилозим бўлган билимлар, қўникмалар ва малакаларни ижодий ва фаол равишда ўзлаштиришига қўмаклашувчи нашр бўлиб, у илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материални ўз ичига олади.

Электрон услубий қўлланма - бу таълим-тарбия жараёнидаги педагогик тажриба (амалиёт)ни умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим-тарбиявий фаолиятнинг янги моделларини шакллантириш ва тарқатишга мўлжалланган нашр.

Электрон ўқув қўлланма — бу муайян фаннинг ўқув режасидаги вақт ва ўқув дастуридаги маълумот ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва фанни ўрганишга тегишли маълумотни тўлиқ адаптация қила олган масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжаллаб тайёрланган нашр.

Электрон ўқув қўлланмалар

Мултимедиали электрон ўқув қўлланмалар яратишда замонавий ахборот технологияларидан комплекс фойдаланишнинг қуйидаги жиҳатларига асосий эътибор қаратилади:

- 1.Ичма–ич жойлашган турли бўғинлар ва рангли безакларда гипермуружаатлардан фойдаланиш.
- 2.Маълумотларни тасвирлашда турли хил рангли безаклардан фойдаланиш.
- 3.Аудио ва видео эффектлар ва уларни бошқаришнинг самарали методларидан фойдаланиш.

Мултимедиа муҳитида электрон ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш узоқ муддатли ва катта маблағларни талаб қилувчи жараёндир. Шунинг учун ҳам мултимедиа муҳитида электрон ўқув қўлланмаларни яратишнинг барча босқичларини ҳамда ҳар бир босқичида қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларни олдиндан белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда қуйидаги босқичларни бажариш зарур бўлади:

- **танлаш** босқичида мултимедиа муҳитида кўрсатилиши керак бўлган ўқув фани танланади;

- **тайёргарлик** босқичида курс матнни ёзиш, кўргазмали ва маълумотли материалларни тайёрлаш, интерфейс эскизларини ва ўқув дастурининг сценарийларини яратиш мўлжалланади;

- **асосий** босқичда электрон ўқув қўлланмани бевосита яратиш бўйича ишлар амалга оширилади;

• **якунловчи** босқичда электрон ўқув қўлланмани тестдан ўтказиш ва мақомига етказиш ишлари амалга оширилади. Бу босқичда ўқув материалнинг қурилмаси ёки тузилмаси ишлаб чиқилади, шунингдек, фойдаланувчи билан ўзаро алоқа механизми лойиҳалаштирилади. Асосий ва қўшимча элементлар ажратилади, ахборотли блоklarнинг иерархик тузилмаси яратилади. Фойдаланувчи интерфейси, алоҳида блоklar ва экранлар ўртасидаги асосий алоқалар ишлаб чиқилади.

Мултимедиа материалларни тайёрлашда одатда икки ўлчамли графикадан ва «**Масромедиа Флаш**» дастурига жойлаштирилган интерактив тизим Веб-сайтлар яратиш учун ҳам қулай восита ҳисобланади.

Мултимедиа электрон ўқув қўлланмани яратишда гипермент, гиперкўрсаткич ва уларга тасвир, код номи элементларини киритиш ҳамда уларни ўзаро боғлаш мақсадида ХТМЛ - гипермент таҳрирлагичдан фойдаланилади.

Мултимедиа электрон-ўқув қўлланма қуйидаги афзалликларга эга:

- мултимедиа электрон-ўқув қўлланмада ўқув материалнинг мултимедиа, гипермент, овоз, электрон доска шаклларида фойдаланган ҳолда тақдим этилиши, ўқувчиларга берилаётган ўқув материални чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш, дарс мавзуси бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради;
- мултимедиа электрон-ўқув қўлланмада берилаётган маълумотларнинг ҳаракати, ранг, товуш ва жонли тасвирлар билан уйғунлиги мавзунини ўрганишда монотон (бир хил)ликка чек қўяди;
- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида интерактив тизим вужудга келиб, бевосита алоқа ўрнатилиши натижасида ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларнинг фаоллигига қараб уларни баҳолаш имкониятига эга бўлади;
- мултимедиа электрон-ўқув қўлланмада ўқиш даражаси ва суръатини ўрганувчининг ўзи танлаш имконияти ўқитишни индивидуallasштириш имконини беради;
- мултимедиа электрон-ўқув қўлланмага киритилган тест топшириқлари ва

ўз-ўзини текшириш учун саволлар ўқувчини ўз-ўзини тез ва самарали баҳолашга ва заруриятга қараб, тузатишлар киритишга имкон беради;

- олинган билимлар ўқувчи хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Электрон почта - бу ахборот алмашиш хизмати кўрсатиш воситасидир. Ундан фойдаланувчи ҳар қандай ўқув муассасаси ва ҳаттоки ўз уйида терминал орқали керакии манзилни кўрсатган ҳолда ахборот жўнатиш мумкин ёки қабул қилиб олиш мумкин. Бунинг учун ахборот компьютерда юборилади, у ерда эса тегишли манзилнинг электрон кутисига файл жўнатилади.

Электрон форумлар бу Интернет тармоғи ва электрон почталардан фойдаланиб ўтказиладиган семинарлардир. Семинарнинг модеризатори иштирокчиларга материалларни беради. Унинг мазмун-моҳиятини тушунтиради, сўнг савол беради ёки мавзу мазмунини муҳокама этади. Семинар иштирокчиларини материал билан таништиради, саволларга жавоб беради, ўз хулосаларини чиқаради. Ҳар бир иштирокчи муҳокамада иштирок этади. Муҳокама натижалари асосида хулосалар чиқарилади. Хулосалар асосида семинар қатнашчиси тўғри, яқуний жавобни олади. Бу эса олган билимларни мустаҳкамлашга таъсир этади.

Электрон шаклидаги ўқув-услубий материаллар – булар электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмалари, электрон кутубхоналар, мос (СД, Флаш ва ҳ.к.) шаклдаги аудиовизуал материаллар, интерактив ўқув курслари, компьютерда ҳисоблаш тажрибасини ўтказиш учун лаборатория вазибалари, тест синовларини ўтказиш бўйича тизимлар.

Ўқитувчиларни ўқув дастурлари ва дарсликлардан ижодий фойдаланишга йўллаш

Ўқитувчи - бу таълим олувчиларни ҳаётга, онгли меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида, жамият олдида жавоб бера оладиган, ёшларга таълим-тарбия бериш учун махсус тайёргарликка эга бўлган ва педагогик фаолият билан касбий жиҳатдан шуғулланувчи шахсдир.

Ўқитувчи ва ўқувчининг дастурли фаолияти - бу ўқув жараёнида аҳамиятсиз ҳаракатларни йўқотиш, самарали ўзаро алоқани таоминлаш ва режалаштирилган натижаларга ўз вақтида эришиш жараёнидан иборатдир. Бунда ўқитувчи технолог-назоратчи сифатида қатнашади. Ушбу жараёнда таълим мақсадини аниқ ифодалаб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчилар ўз касбий фаолиятини олиб боришдаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланишда доимо уларда қуйидаги саволларга жавоблар бўлиши керак:

1. Таълим оловчилар қандай концепсия (қараш)ни талқин қилиши ва унга амал қилиши керак?

2. Концепсия билан танишиш учун таълим оловчилар қандай фаолиятни амалга ошириши керак?

3. Таълим оловчилар нималарни кузатишлари ва ёзиб боришлари керак?

4. Таълим оловчиларга қандай кўрсатмалар бериш керак?

5. Таълим оловчилар ахборот ёки кашфиётларнинг қандай турлари тўғрисида фикр юритишлари керак?

6. Уларнинг «кашфиётлари»ни умумлаштириш учун мен таълим оловчиларга қандай ёрдам бера оламан?

7. Мен таълим оловчиларни қандай бошқаришим ва ҳатто, уларнинг тушунишлари етарлича бўлмасада, улар аниқлаши мумкин бўлган нарсаларни уларга етказишдан ўзимни тўхтатиб туришим мумкин. Улар концепцияни тўғри шакллантириш (ифодалаш)лари учун улардаги мавжуд ахборотдан фойдаланишда Мен уларга қандай ёрдам бера оламан?

8. Агар таълим оловчилар «нима учун ана шу концепция муҳим бўлиб ҳисобланади?» деб мендан сўрашса, мен таълим оловчиларга қандай жавобларни келтиришим мумкин?

9. Таълим оловчилар ушбу концепсияга дахлдор бўлган аввалги тажрибаларга эгадир! Мен ушбу концепсияни таълим оловчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва тажрибаси билан қандай боғлай оламан?

10. Ушбу концепсия таълим оловчиларга муайян фандан ўзлари учун

фойдани кўришда ёрдам беришига қандай мисоллар бор? Фан, техника-технология ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини тушунишда ёрдам беришигачи? Фан тарихи ва моҳиятига оид ахборот олиш учун уларга ёрдам беришигачи?

Замонавий дарсликка муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи саволлар, масалалар ва топшириқларни киритиш орқали талабаларда зарурий билимни мустақил излаш ва топишга эътиёж ҳамда қизиқиш уйғотиш лозим.

Замонавий дарслик қуйидаги асосий функцияларни бажариши керак:

1. Ахборотни узатиш функцияси. Бу функция талаба муайян фан бўйича эгаллаши мажбурий бўлган билим ва кўникмалар мазмунини қамраб олинишини таъминлайди.

2. Мувофиқлаштирувчи функция. Дарсликнинг бу функцияси ўқув материални лойиҳалаш жараёнида бошқа ўқув манбаларида келтирилган материалларни ўрганиш, улар орасидаги узвийликни таъминлаш, талабаларга ахборот оқимини тез ўзлаштириш ва олган билимларни чуқурлаштириш ҳамда амалий фаолият жараёнида қўллаш йўллари топишни қамраб олади.

3. Тизимловчи функция. Ўқув фани мазмунини тизимланган шаклда қатъий кетма-кетликда оддийдан мураккабга қараб баён қилинишини таъминлайди. Дарсликнинг ушбу функцияси, **биринчидан**, ўқув материали касбий фаолиятга боғлиқ бўлган асосий назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни ўзида қамраб олиши; **иккинчидан**, дарсликда биронир фаолиятни бажариш кетма-кетлигининг таъминланиши; учинчидан, дарсликда алоҳида ҳаракатлар ва жараёнларни бажаришга талабаларнинг индивидуал эҳтиёжларига йўналтирилган амалий топшириқлар берилиши; тўртинчидан, ўқув материаллари ўзида репродуктив фаолият усуллари ва унга мос ҳолда продуктив жиҳатларни ўзида қамраб олиши; бешинчидан, тушунчалар ва терминлар аниқ бир тартибда сақланишини таъминлаши керак.

4. Мутахассисликка йўналтирилганлик функцияси. Дарсликнинг

мазмуни талабанинг мутахассислик бўйича ишлаб чиқариш ва меънат жараёнлари, объектлари, техника ва технологиялари тўғрисидаги асосий фундаментал тушунча ва билимга эга бўлишини таъминлаши ҳамда келажакда уларга таяниб янги маълумотларни мустақил таҳлил қилиш ва ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши керак.

5. Дидактик функцияси. Талабаларнинг қобилияти ва эҳтиёжига мос равишда ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришга ҳамда асосий мазмунини ажратиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва хулосалаш кўникмаларини шакллантириш учун хизмат қилади.

6. Ўзлаштирган билимларни мустаҳкамлаш ва ўз-ўзини назорат қилиш функцияси.

7. Мустақил билим олишга қизиқтириш ва ижодкорликка ундовчи функцияси. Ушбу функция талабаларга мустақил тарзда таълим олишга бўлган иштиёқ, эътиёж ва заруриятни уйғотиши, қизиқтириши, етишмайдиган билимларни мустақил тарзда тўлдиришга ёрдам беришга йўналтирилган.

8. Ривожлантирувчи — тарбияловчи функция. Ушбу функция ўқув материаллари асосида шахснинг ватани ва халқига эътиқоди, маънавий-инсоний хислатлар: ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби ижобий хислатларнинг фаол шаклланишига кўмак беришдан иборат.

1. Босма шаклда

Кириш. Дарсликнинг кириш қисмида фаннинг жамият ва табиатдаги ўрни, роли ва методологик асоси, мақсади, вазифалари ва ечимини кутаётган муаммолари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ҳақида маълумотлар, фанга тегишли соҳа ёки ишлаб чиқаришнинг замонавий тараққиёти ёритилиши талаб қилинади. Киришнинг охирида фан бўйича умумий ўқув мақсадлари келтирилиши керак. Ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний таълим натижалари тавсифидир.

Дарсликнинг иккинчи қисми қуйидаги афзалликлар ва имкониятларига

эга:

- дарсликнинг иккинчи қисми очик тизим бўлиб, ўқитувчи исталган пайтда янги ўқув материалини ва сўнгги ютуқлар ҳақида янгиликларни киритиш имкониятига эга;
- таълим олувчининг мустақил билим олиш, изланиш ва ижодий ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга, ўз-ўзини баҳолашга имконият яратилади;
- мураккаб объектлар, жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида анимациялар орқали реал тасуувур ҳосил қилдиради;
- электрон топшириқлар ва тестларининг кўп вариантлилиги, кўп даражалилилиги ва хилма-хиллигини таъминлайди;
- ўрганилаётган материални кўриш, эшитиш ва эмоционал хотираларга таъсир қилиш йўллари тушунишни енгиллаштиради;

Компютерли қўллаб-қувватлашлардан фойдаланиб, ўқув предметининг моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни ва топшириқларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий масалалар ечишга ва топшириқларни бажаришга имкон яратади.

Дарсликлар янги авлодининг яратилиши, ўқув жараёнига жорий этилиши — талаба ва ўқитувчи фаолиятини уйғунлаштирувчи модел сифатида намоён бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни асосида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув фанлари бўйича Давлат Таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга унитадбиқ этиш

Касб-ҳунар таълими педагогикаси ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмун ҳақидаги педагогиканинг муҳим тармоғидир.

Таълим — илм бериш ва тарбиялашни ўзига қамраб олиб, республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги куч-қувватини

ривожлантириш, жамият, оила ва давлат олдадаги ўз масъулиятини англайдиган, ҳар жиҳатдан баркамол, эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди ва шунинг учун ҳам у устувор соҳа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими, шу жумладан касб-хунарга таълим тизими педагогикасининг методологик асослари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».

Шунингдек, буюк мутафаккирлар ва олимларнинг таълим-тарбия ҳақидаги ғоялари, ҳукумат қарорлари, фармон ва фармойишлар каби Мустақил Ўзбекистоннинг «Таълим тўғрисида»ги илк Қонуни 1992-йил 2-июлдан амалга жорий этилган бўлиб, у ВИИ бўлим 44-моддадан иборат эди.

Амалдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун 1997-йил 29-августда қабул қилинган бўлиб, у 34 та моддадан иборат. Бу қонунга биноан Республикамизда шу пайтгача ҳеч бир мамлакатда аввал ишлаб чиқилмаган ва амалга жорий этилмаган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1Х сессиясида 1997-йил 29-август куни қабул қилинди.

Амалдаги ўрта махсус, касб-хунарга таълимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар умумий давлат таснифлагичи (2006-й.) Ўзбекистон Республикасида техникавий, иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича ягона тузилма таркибига кирази ва Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун **Давлат таълим стандартларини** ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 1998-йил 5-январдаги 5-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган. Ўрта махсус, касб-хунарга таълимидаги тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичини жорий этиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси стандартлари билан бирга таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартибига «ЎзДСт.

6.01.02.95.»га мувофиқ равишда амалга оширилади. Таснифлагич ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-хунар таълимида **Давлат Таълим стандартлари** ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқарувчилар, Таълим муассасалари раҳбарлари, Республика ва маҳаллий бошқарув ташкилотларининг мутахассислари, вазирликлар, муассасалар ва бошқа республикамиз хўжаликларини ривожлантиришда фаолият кўрсатаётган субъектлар учун мўлжаллангандир. Таснифлагич касб-хунар коллежлари ва бошқа ташкилот ҳамда муассасаларнинг қайси вазирликка қарашлилигидан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар айнан қўлланилиши шарт.

Кичик мутахассис - бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштиришга, ўрта махсус, касб-хунар таълими (ЎМКХТ) муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир.

Кичик мутахассис:

- назарий ва амалий билимлар мажмуасига касбий билим, кўникма ва малакаларга;
- мазкур жамиятда ўзининг муваффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданият, ижтимоий аҳамиятли хусусиятлар ва шахсий фазилатларга эга бўлади. Касбий фаолият соҳаси касбий билим, кўникма ва малакаларнинг қўлланиш доирасидир, унинг номланиши иқтисодий соҳалар номлари билан мослаштирилган. Касб-хунар **Таълим давлат** стандартлари яқин келажакда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида фаолият кўрсатиши ва ривожланиши мажмуавий белгилаб берувчи ечим сифатида хизмат қилади. Педагогик манбаларда касб-хунар таълими давлат стандарти қуйидагича талқин этилади: бўлажак кичик мутахассислар эгаллаши зарур ва етарли бўлган мазмун даражаси ва кўлами; ўқувчиларнинг максимал ўқув юкламаси ҳажми, битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар ва ҳоказо. Стереотип касб-хунар даражасида маҳсулли ва маҳсулсиз фаолиятларнинг ўзаро нисбатида намоён

бўлади. Бошқача қилиб айтганда, давлат таълим (тармок) стандарти мутахассисликларнинг ёзма модели бўлиб, касбий тайёргарлик даражасига қўйилган талабларни матнда шахсий талабларни ўзига қамраб олади.

Мавзуларни мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:

- 1.Таълим мазмунини тавсифловчи асослар нималардан иборат?
- 2.Узлуксиз таълим мазмунини белгилашда интеграция жараёнларининг аҳамияти борми?
- 3.ДТС қандай шакллантирилади?
- 4.Тамойилнинг вазифаси нимадан иборат ва унинг таълим мазмунини белгилашдаги аҳамияти қандай?
- 5.Фанлар блоклари ва .уларнинг функционал вазифалари нималардан иборат?
- 6.Ўқув меъёрий ҳужжатлар нималар?

7-МАВЗУ: ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ТАРБИЯЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ТАШХИСЛАШ

Шахсларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш тести

Тарбия психологияси — педагогик психологиянинг ғоят мураккаб ва кам ишланган бўлими бўлиб, кейинги вақтларда бунга кўпроқ эътибор берилмоқда. У шахсни бир бутун ҳолда таркиб топиши ва ривожланишига олд ички (психологик) механизмларни, шунингдек, унинг айрим хусусиятларини ўргатади.

Шахс фаолияти жараёнида моддий ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро алоқаси жараёнида шаклланиб боради. Фаоллик бўлмаган жойда шахснинг қарор топиши ва ривожланиши ҳам бўлмайди. Бунда ижтимоий алоқалар жамият, гуруҳ ҳамда турли жамоалар ҳаётига фаол киришиб кетиш шахсни шакллантиришнинг муҳим омиллари сифатида майдонга чиқади. Аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олдиндан режалаштирилган ҳамда ташкил этилган жараён бўлиши тарбия, шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро таъсир кўрсатувчи йўналишлари ҳисобланади. Шахснинг шаклланиб бориш суръати унга хос айрим хусусиятларнинг тола ва бутун ҳолда барқарор пайдо бўлиб бориш унинг меҳнатда, ўқишда, ўйинда, мулоқотда ва юриш-туриш маданиятида яққол кўринади. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, фаолият нима сабабдан амалга оширилиши зарур эканлигини тушунтира олиш билангина ҳар бир ишнинг ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаси амалга ошади. Бу фикрни шундай тушуниш керакки, тарбияланувчи онгига англаб етилган барқарор ва кучли ички эҳтирос пайдо бўлгандагина амалга ошириладиган фаолият тарбияловчи кучга айланади. Хўш, тарбиянинг ўзи нима? А. Навоий фикрича тарбия, яъни «Педагогика» бола тарбиясининг фанидир. Боланинг саломатлиги ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ, танини пок тутмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан асраб ўстирмоқдир.

Шахсни камол топтиришда ахлоқий тарбияни асосий ҳисоблаган шарқ олимлари «Инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража берувчи» деб

таъриф берганлар. Тарбияланганликни эса яхши ва ёмон хулқларнинг қай даражада шаклланганлиги билан ўлчаганлар. Ушбу тестда яхши хулқлар турлари, уларнинг мезонини аниқлаш ва шулар орқали тарбияланганлик даражасини белгилашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун яхши хулқнинг турлари, уларнинг мезонларини ишлаб чиқдик.

Кейинги иш эса ҳар бир шахснинг тарбияланганлик даражасини аниқлашдир.

Ҳар бир тарбиячи — ўқитувчи учун яхши хулқ, унинг мезонини билиш - кейинги фаолиятини ташкил этишда ёрдам беради деб ўйлаймиз. Тарбияланганлик даражасини аниқлаш эса тарбияланувчининг камчилик томонларини тузатишга ёрдам беради.

Тест ишланмаси

Тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонлари

Т/р	Тарбияланганлик кўрсаткичлари	Мезони
1.	Ватанпарварлик	Ўлка ўтмиши ва ҳозирги ҳаётига қизиқиш, табиатга меҳр қўйиш ва уни асраш, ўз уйи, боғчаси, мактабини севиш, меҳнатга муҳаббат, ватанининг буюк кишилари билан фахрланиш ва ҳ.к.
2.	Дўстлик, инсонпарварлик	Жамоага қўшила олиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, муҳтожларга ёрдам бериш, меҳр-шафқатлилиқ, ғамхўрлик, самимийлик, дўстга садоқатлилиқ ва ҳ.к.
3.	Ҳалоллик	Самимийлик, ростгўйлик, ўз хатосини тан олиш, сўз билан иш бирлиги, ваъдага вафо қилиш, ўзгалар мулкига тегмаслик ва ҳ.к.
4.	Меҳнатсеварлик	Меҳнатсеварлик, виждонан ўқиш, ишлаш, уй-рўзғор ишларига ёрдам, ижтимоий меҳнатда фаоллик, доимо фойдали иш билан шуғулланиш ва ҳ.к.

5.	Интизомлилик	Мактабда, кўчада, уйда, жамоат жойларида белгиланган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш. Буюрилган ишни тез ва аниқ бажариш, масъулиятни ҳис қилиш ва ҳ.к.
6.	Сахийлик	Меҳрибонлик, кичикларга ғамхўрлик қилиш, ҳамма нарсани ўртоқлари билан баҳам кўриш, жониворларни авайлаш ва асраш, мурувватли бўлиш ва ҳ.к.
7.	Фаоллик	Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, ташаббускорлик, ташкилотчилик, камчикка қарши курашиш, ҳамма ишда ўрнак бўлиш ва ҳ.к.
8.	Камтарлик	Кишилар орасида ажралиб туришга ҳаракат қилмаслик, ахлоқли бўлиш, ташқи кўриниш билан ажралиб турмаслик, мақтанчоқ бўлмаслик, босиқлик, оддийлик, соддалик, сиполик ва ҳ.к.
9.	Озодалик	Кийим-кечак, аъзолар ва ташқи кўринишни озода тутиш. Иш, ўқиш, уй, юриш, туриш жойларини доимо озода сақлаш, пок юриш ва ҳ.к.
10.	Тежамкорлик	Шахсий ва давлат мулкани асраш, буюмларни тартибда сақлаш, эҳтиёт қилиш, ҳар бир нарсадан тўғри фойдаланиш ва ҳ.к.
11.	Жасурлик	Қўрқувни енга олиш, ўзгаларга ёрдам бериш, қатъиятлилик, адолатсизликка муросасизлик ва ҳ.к.
12.	Чаққонлик, чиниқиш, кучлилик	Хушбичим бўлишга интилиш, спорт билан шуғулланиш, кун тартибига ва шахсий гигиенага риоя қилиш, гимнастика машғулотлари билан шуғулланиш ва ҳ.к.
13.	Байналминаллик	Ўз халқининг маданияти ва санъатига қизиқиш, ўзга халқларнинг ва ўз халқининг урф-одатларини

		хурмат қилиш, ўзаро ёрдам ва ҳ.к.
14.	Масъулиятлилик	Ўз вазифасини сидқидилдан бажариш, олинган мажбуриятни ўз вақтида аниқ бажариш, бошланган ишни охирига етказиш ва ҳ.к.
15.	Қизиқувчанлик	Ўқимишли бўлиш, билим доирасини ошириш, берилаётган сабоқни яхши ўзлаштириш, адабиётларни ўқиб бориш, ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, ҳар бир машғулотга тўлиқ қатнашиш ва ҳ.к.
16.	Принсипиаллик	Қарашлар ва эътиқодларнинг барқарорлиги, ўз фикр ва мулоҳазаларини очик айтиш, ўз фикрини ҳимоя этиш, ўз-ўзини танқид қила билиш, хатти-ҳаракатларга объектив баҳо бериш ва ҳ.к.
17.	Нафосатлилик	Гўзалликни ҳис қила билиш, чиройли ишдан, буюмдан завқланиш, озода кўринишга интилиш, адабиёт, санъатга қизиқиш, ҳар бир ишни сифатли бажариш ва ҳ.к.
18.	Ишбилармонлик, тадбиркорлик	Вақтдан тўғри фойдаланиш, пул ва мол қадрини билиш, харажатда тежамкор бўлиш, савдода ижодкор бўлиш ва ҳ.к.
19.	Иффат-ҳаёлилик	Нафсни гуноҳ ва бузуқ ишлардан тийиш, ишда, сўзда, юриш-туришда, кийинишда, овқатланишда одоб сақлаш ва ҳ.к.
20.	Ўз-ўзини тарбиялаш, назорат қилиш	Ахлоқий сифатларни таҳлил қилиш орқали ўзидаги камчиликларни қайта тарбиялашга интилиш, ўзини объектив баҳолаш ва ҳ.к.

Юқорида берилган яхши хулқлар ва уларнинг мезонларидан фойдаланиб, тарбияланувчининг тарбияланганлик даражасини аниқлаш мумкин. Бунда ўн балли тизимдан фойдаланиб, ҳар бир шахснинг

тарбияланганлик даражаси аниқланади. Баллар кузатиш, суҳбат, тестлар, иш ўйинлари натижасида ва ўз-ўзини баҳолаш орқали қўйилиши мумкин. Тарбияланганлик кўрсаткичлари ҳар бири алоҳида баҳоланиб, умумий (20 тури) балл аниқланади. Энг юқори баҳо 200 ни ташкил этса, паст баҳо 0 дир. Тўплаган баллар асосида тарбияланганлик даражаси «паст» «ўрта» ва «юқори» аниқланади. Тарбияланганлик кўрсаткичларининг қайси бири паст ёки юқорилигига қараб қайта тарбиялаш режасини тузиш мумкин.

Тарбияланганлик кўрсаткичини баҳолаш варақаси

Т/р	Тарбияланганлик кўрсаткичи	Бали (0-10 гача)
1.	Ватанпарварлик	
2.	Дўстлик, инсонпарварлик	
3.	Ҳалоллик	
4.	Меҳнатсеварлик	
5.	Интизомлилик	
6.	Сахийлик	
7.	Фаоллик	
8.	Камтарлик	
9.	Озодалик	
10.	Тежамкорлик	
11.	Жасурлик	
12.	Чаққонлик, чиниқиш, кучлилик	
13.	Байналминаллик	
14.	Масъулиятлилик	
15.	Қизиқувчанлик	
16.	Принсипиаллик	
17.	Нафосатлилик	
18.	Ишбилармонлик, тадбиркорлик	
19.	Иффат-ҳаёлилик	
20.	Ўз-ўзини тарбиялаш, назорат қилиш	

Тўпланган баллар йиғиндиси:

- 0—80 гача бўлса тарбияланганлик даражаси «паст»;
- 80—140 гача бўлса тарбияланганлик даражаси «ўрта»;
- 140—200 гача бўлса тарбияланганлик даражаси «юқори».

Ўз-ўзини тарбиялаш учун қуйидаги режа асосида иш олиб бориш мумкин:

Тарбияланганлик кўрсаткичлари	Камчиликлар	Ўз-ўзини тарбиялаш учун бажариладиган ишлар
1 2 3 4 ва ҳ.к.	1 2 3 4 ва ҳ.к.	1 2 3 4 ва ҳ.к.

8-МАВЗУ: ПЕДАГОГИК ДИАГНОСТИКАСИ ВОСИТАСИДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

Режа:

1. Мулоқот, муомала, муносабат сўзларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Самарали мулоқот омиллари ва воситалари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3x4 педагогик технология асосида) - 25 дақиқа.
3. Шахснинг мулоқотга киришувчанлик хусусиятини ўрганиш бўйича амалий машқ – 10 дақиқа.
4. Мулоқотнинг томонлари. Педагогик мулоқот. Нутқ ва тил тўғрисидаги тушунча. Нутқнинг турлари ва функциялари (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали)- 35 дақиқа.
5. «Комплимент» ўйини Талабалар дарс якунида жуфтликда ўз ҳамкорларига улардаги мавжуд ижобий сифатларни таъкидлаб, «компилимент» айтишади - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик тарқатма материаллар

1. Мулоқот, муомала, муносабат сўзларинини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади (Ақлий ҳужум).
2. Самарали мулоқот омиллари ва воситалари ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3x4» педагогик технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиниб, самарали мулоқот омиллари ва воситалари ҳақидаги 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач,

гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Шахснинг мулоқотга киришувчанлик хусусиятини ўрганиш бўйича амалий машқ учун методика:

Тест. «Мулоқотга киришувчанлик».

Қуйида берилган 16 саволга «ха», «йўқ», «баъзан» деб жавоб беринг.

1. Сизни амалий учрашув кутмоқда. Уни бегоҳлик билан кутасизми?
2. Сизни бирор касаллик ҳолдан тойдирмагунча, врачнинг олдига боришни орқага сўравермайсизми?
3. Сизни бирор мавзудаги ахборот билан йиғилиш, мажлис ва шунга ўхшаш тадбирда маъруза билан чиқиш топшириғи хавотирга соладими?
4. Сизга илгари бормаган шахрингизга сафарга бориб келишни таклиф этишди. Шу сафарга бормаслик учун бор имкониятни ишга соласизми?
5. Ўзингиздаги ҳиссий кечинмалар билан кимлар биландир ўртоқлашишни яхши кўрасизми?
6. Кўчада сизга нотаниш одам бирор илтимос билан мурожаат қилса, сизнинг ғашингиз келадими?
7. Сиз «Оталар ва болалар» муаммоси борлиги ва турли авлод вакилларининг бир-бирларини тушунишлари қийинлигига ишонасизми?
8. Танишингизга бир неча ой аввал олган қарз пулини эслатишга уяласизми?
9. Ошхона ёки ресторанда сизга ёқмайдиган таом беришди, идишни четга суриб, аччиғингиз келганини яшира оласизми?
10. Бегоҳ одам билан ёлғиз қолганингизда, у биринчи бўлиб гап бошласа, Сизга жавоб қайтариш малол келадими?
11. Сиз турли ерларда одамларнинг узун навбатда туришганини кўрсангиз, тоқатингиз тоқ бўладими? Навбатда туриб кутишдан кўра, ўз ниятингиздан воз кечишни афзал кўрасизми?
12. Бирор жанжалли вазиятни муҳокама қилиши керак бўлган комиссиянинг аъзоси бўлишдан кўрқасизми?

13. Сизда бирор адабиёт, санъат ва маданият асарларини баҳолашнинг соф индивидуал мезонлари бор ва бу борада бошқаларнинг фикрини қабул қилмайсиз. Шундайми?

14. Сизга жуда таниш бўлган масала бўйича бошқаларнинг нотўғри фикрларини тасодифан эшитиб қолсангиз, индамай қўя қоласизми?

15. У ёки бу масалада ёрдам беришингизни сўрашса, сиз бундан оғринасизми?

16. Ўз нуқтаи назарингизни оғзаки баён этгандан кўра, уни ёзма тарзда ифодалашни афзал кўрасизми?

Энди балларни ҳисобланг:

«ҳа» — 2 балл, «баъзан» — 1 балл, «йўқ» — 0 балл. Шу тарзда балларни қўшиб чиққач, одамларнинг қайси тоифасига киришингизни билиб оласиз.

14-18 балл. Сизнинг мулоқотга киришувчанлигингиз яхши, ўртача. Сиз кўп нарсага қизиқасиз, бошқаларни бажонидил тинглайсиз, ўзгалар фикрига сабр-тоқатлисиз, ўз фикрингизни босиқлик билан изҳор этасиз. Бегоналар билан учрашувга бориш сиз учун унчалик нохуш эмас, лекин шовқин-суронли даврани ёқтирмайсиз, одамларнинг сергапи сизга ёқмайди.

9-13 балл. Сиз мулоқотга киришувчансиз. Қизиқувчан, сергап, турли масалаларда ўзгалар билан гаплашишни яхши кўрасиз. Янги одамлар билан танишиш, давранинг диққат марказида бўлишни ёқтирасиз. Ўзгаларнинг илтимосларини бажармасангиз ҳам қабул қилаверасиз. Аччиғингиз тез, лекин тез совийсиз. Сизга сабр-тоқат, қийинчиликлар билан тўқнашганда жасорат етишмайди. Лекин астойдил ҳоҳласангиз, ўзингизни ён бермасликка кўндиришингиз мумкин.

4-8 балл. Сизнинг мулоқот малакангиз ёмон эмас, сиз барча ишларнинг гувоҳи бўлиб юрасиз. Мунозараларда қатнашишни яхши кўрасиз, бирор масала юзасидан юзаки тасаввурга эга бўлсангиз ҳам, ўз фикрингизни айтишни ҳоҳлайсиз. Ишни охирига олиб бора олмасангиз ҳам ҳар қандай

ишни бошлайверасиз. Шунинг учун ҳам раҳбарларингиз ва касбдошларингиз сиздан хавотирда бўлишади. Бу ҳақда ўйлаб кўринг.

3 ва ундан кам балл. Сизнинг коммуникатив малакаларингиз яхши эмас, сиз сергапсиз, ҳар нарсага аралашаверасиз. Ўзингиз умуман беҳабар бўлган нарсалар хусусида ҳам фикр юритаверасиз. Ихтиёрсиз тарзда турли зиддиятлар ва жанжалларнинг иштирокчисига айланиб қоласиз. Жиззаки, салга хафа бўладиган одатингиз бор, шунинг учун одамлар сиз билан чиқиша олмайдилар. Ўзингизни тутиш, сабр-тоқатли бўлиш учун одамларга ҳурмат билан қарашга ўрганинг. Қолаверса, ўз соғлиғингиз ҳақида қайғуринг, чунки бундай ҳаёт тарзи изсиз бўлмайди, асабларингиз чарчаб қолиши мумкин.

4. Мулоқотнинг томонлари. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳга бўлинада ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1-гуруҳ учун тарқатма материал.

Мулоқотнинг коммуникатив томони I шахслараро ахборотлар, билимлар ғоялар, фикрлар алмашинуви. Бу жараённинг асосий воситаси II тил (ёзма-оғзаки, монологик-диалогик нутқ). Диалогик нутқнинг мазмуни, характери, давомийлиги мулоқотга киришган шахсларнинг шахсий қарашларига, қизиқишларига, бир-бирларига бўлган муносабатларига, мақсадларига бевосита боғлиқ бўлади. Ўқитувчи-ўқувчи, сиёсий раҳбарларнинг, дипломатларнинг, дугоналарнинг суҳбати бир-биридан фарқ қилади. Монологик нутқ бир кишининг бошқа кишига мурожаати III фикрларнинг мантиқан тугал бўлиши, грамматик қонун-қоидаларга риоя қилиш керак. Одамларнинг мулоқот жараёнида сўзлардан ташқари турли хил ҳаракатлардан, қилиқлардан, ҳолатлардан, кулгу, оҳанглардан ҳам фойдаланадилар. Мимика, кўз қарашлар, тўхташлар (пауза) ифодалари ва ҳоказо. Буюк рус ёзувчиси Л.Толстой одамларда 97 хил кулгу тури, 85 хил кўз қарашлар тури борлигини кузатган. Андреевнинг ёзишича, одам юз ифодалари, нигоҳларининг 2000 га яқин кўринишлари бор.

Бу новербал мулоқот воситаларининг миллий ва ҳудудий хусусиятлари бор. Масалан, ўзбек халқининг мулоқот жараёни бой, ўзаро муносабатларнинг бевосита характери унда шундай воситаларнинг кўпроқ ишлатилиши билан боғлиқ. Болгарлар бирор фикрни тасдиқламоқчи бўлишса, бошларини чайқашади, инкор этмоқчи бўлишса, бош силташар экан.

НOVERбал мулоқотда суҳбатдошларнинг фазовий жойлашувлари ҳам аҳамиятга эга: Масалан, аёллар ҳиссиётга берилганлиги учун бир–бирлари билан яқин туриб гаплашар эканлар, эркеклар ўртасида масофа бўлар экан.

Ўқувчиларни партада орқама–кетин ўтказгандан кўра доира шаклида ўтказилса, уларда жавобгарлик ҳисси юқорироқ бўлар экан, эмоциялар алмашгани учун ҳам гуруҳдаги психологик вазият ижобий бўлиб, болаларнинг предметга ва бир–бирларига муносабатлари анча яхши бўлар экан.

Демак таълим–тарбия жараёнини ташкил этишда мулоқотнинг барча воситаларига, айниқса, нутққа эътибор бериш керак. Болаларни илк ёшлик чоғлариданоқ нутқ маданиятига ўргатиш, нутқларини ўстириш чораларини кўриш зарур. Педагог ҳам нутқ маданиятига эга бўлиши керак.

2-гуруҳ учун тарқатма материал.

Мулоқотнинг перцептив томони. Мулоқот жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълумотлар алмашиб, ўзаро таъсир кўрсатибгина қолмай, балки бир-бирларини тўғрироқ ва аниқроқ англашга, тушунишга ва идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Бу томон шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари, аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди. Рус психологи А.А.Бодалев бошчилигидаги лаборатория бир-бирларини идрок қилиш механизмларини аниқлаш борасида қатор психологик қонуниятларни кузатган. Бундай механизмларга: идентификация; рефлексия; стереотиплаштириш киради.

Идентификация шундай психологик ходисаки, бунда суҳбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб кўришга ҳаракат қиладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, ҳислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ёки онгсиз) *идентификациядир*. Масалан, биринчи марта учрашувга кетаётган йигитнинг ички ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан, ҳолатидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига тааллуқли бўлиб ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Чунки, бусиз одам мулоқот жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқот формаларини танлаши мумкин.

Стереотиплаштириш одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳолларидир. Ижтимоий стереотиплар ҳар бир шахсда у ёки бу гуруҳли кишилар ҳақида шаклланган образлардир. А.А.Бодалев ва унинг шогирдлари бундай стереотиплар баъзан мулоқотни тўғри йўналганлигини таъминласа, бошқа ҳолларда эса ундаги хатоликларнинг сабаби бўлиши мумкинлигини кузатишган. Идрок ва тушуниш борасидаги бундай хатоликлар каузал атрибуция (лотинча causa-сабаб, attributio-қўшиб қўяман деган сўздан олинган), яъни сабабий белгилар ёки сабабий изоҳлаш деб аталади. Масалан, ўқитувчи билан ҳамсуҳбат бўлиб қолган одамда суҳбат бошидаёқ “Ҳозир одоб-ахлоқдан дарс беришни бошламасмикан” деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳам стереотип. Бундан ташқари, одамлар биринчи марта кўрган одам тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадида унинг ташқи қиёфаси билан характери ўртасида боғлиқликлар ўрнатишга ҳаракат қиларкан, шундай боғлиқликларни аниқлаш мақсадида А.А.Бодалев талабалар гуруҳига турлича қиёфали шахсларнинг фотосуратларини кўрсатган. 72 кишидан 9 таси ияги катта кишилар кучли ирода эгалари эканлигини, 17 таси пешонаси кенг одамлар ақлли эканликларини, 3 киши

сочи қаттиқ одамларнинг қайсарроқ, қатъий эканликларини, 5 киши кичик бўйли одамлар ҳокимиятга интилан, бошқалар устидан буйруқ беришга мойил, чиройли одамлар ё ўта ўзига бино қўйган ёки нодон бўлишлигини айтишган ва ҳоказо.

Табиийки, бундай фикрлар мутлақ тўғри эмас, лекин кишилар онгида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Нотаниш одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида берилган бирламчи маълумот катта рол ўйнайди. Масалан, талабаларнинг икки гуруҳига бир хил портрет кўрсатиб, биринчи гуруҳда бу одам йирик олим, иккинчисиде эса, бу — давлат жиноятчиси деб, унга иккала ҳолда ҳам ижтимоий-психологик характеристика беришларини сўраган. Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таърифлар ҳам ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнатқаш, меҳрибон, шафқатли, ғамхўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни — бешафқат, маккор, қатъиятли деб таърифлашган. Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқалар уларни ёвуз, бешафқат деб айтишган.

Шундай қилиб, ижтимоий перцепция ёки одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни мулоқотнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бу жараён психологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқотга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб фаолият кўрсатадилар. Идрокнинг объекти сифатида шахс қаралганда, унда ҳосил бўладиган «бошқа одам образи»нинг барча сифатлари ва қирралари назарда тутилади. Бундай образ пайдо бўлишига хизмат қиладиган белгиларга: ўша одамнинг ташқи қиёфаси, унинг кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, нутқи, қилиқлари, юриши ва ҳоказолар киради. Лекин шуларнинг ичида одамнинг юзи мулоқот мобайнида суҳбатдошга энг кўп маълумот берадиган объектдир. Шунинг учун ҳам телефонда суҳбатлашгандан кўра юзма-юз суҳбатлашиш анча осон ва ахборотларга бойдир.

Одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этишлари уларнинг перцептив, яъни ҳиссий билиш (идрок сезиш) соҳасига алоқадор бўлса, бир-бирларини тушуниши уларнинг тафаккур соҳаларига бевосита боғлиқ мураккаб жараёндир. Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кира олган ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, унда **эмпатия** — бировларнинг ҳис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади. Юксак онгли, маданиятли, «кўпни кўрган» шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

3-гурӯх учун тарқатма материал.

Мулоқотнинг интерактив томони. Мулоқотнинг бу хусусияти кишиларнинг мулоқот жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён этишлари мумкин. Шу туфайли ўқитувчи бола шахсига мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин. Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у бемаъни, мақсадсиз, қуруқ гаплардан иборат бўлмаса, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларини, уларнинг установкаларини ўзгартириш имкониятига эга.

Жамият миқёсида оладиган бўлсак, одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, хулқ-атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин. Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалардир. Чунки, ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай ҳатти-ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб борадики, уларни ҳар бир киши норма сифатида қабул қилади. Масалан, ўсмир бола, умуман ёшлар жамоат жойларида катталарга ўрин бўшатиб беришлари кераклиги ҳам хулқ-атворнинг бир нормаси. Шу нормага амал қилиш ёки қилмаслик ижтимоий назорат тизими орқали бошқарилади. Яъни, юқоридаги шароитда агар ўсмир бола автобусда қарияга жой

бўшатмаса, жамоатчилик ўша заҳоти уни ижтимоий тартибга чакиради. Демак, ҳар бир шахс турли шароитларда турлича ролларни бажаради, бу ролларнинг қандай бажарилаётганлиги, одамларнинг кутишларига мос келишлиги ижтимоий назорат тизими орқали кузатиб турилади. Шунинг учун ҳам мулоқотга киришган кишилар доимо ўз хулқ-атворларини, қолаверса, ўзгаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб, ҳаракатларда бир-бирларига мослашадилар. Лекин гоҳида шахсдаги ролларнинг кўп бўлиши ролларнинг зиддиятига олиб келиши мумкин. Масалан, мактаб ўқитувчисининг ўзи ўқитаётган синфда фарзанди бўлса, дарс пайтида шундай зиддиятни бошдан кечириши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ота ёки она, ҳам ўқитувчи ролини бажаришга мажбур бўлади. Ёки хулқи ёмон ўқувчининг уйига келган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам меҳмон роллари ўртасида қийналади.

Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, ҳоҳлайдими ёки ҳоҳламайдими, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишадими, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар деб аталади. Масалан, ўқитувчининг одоби, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши унинг одобга эга эканлигининг белгисидир. Одобсиз одам эса бунинг аксидир.

Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки англанмаслиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир. Ҳар бир педагогнинг ўз таъсир услублари ва таъсир кучи бўлади. Ўқитувчи шахсининг болаларга таъсири қуйидаги экспериментда жуда яққол кузатилган. Бошланғич синф ўқувчиларига анчагина ўйинчоқлар бериб,

шуларнинг ичида фақат биттасига, қизил ёғоч ўйинчоққа тегмаслик айтилган. Болалар ёлғиз қолдирилиб, ҳаракатлари пинхона кузатилган. Жуда кўп болалар тақиқланган ўйинчоққа барибир тегишган. Экспериментнинг иккинчи сериясида эса энди барча ўйинчоққа тегиш мумкин-у, фақат қизил қутичанинг қопқоқини очиш мумкин эмас, деб айтилган. Шу қутича тепасига эса шу болаларнинг ўқитувчиси сурати илиб қўйишган. Бу серияда биринчисига қараганда «таъқиқни бузувчилар» сони кескин камайган. Демак, бу нарса ўқитувчи шахсининг бола ҳаракатларига таъсирини яққол исботлаб турибди.

Шахслараро таъсир ҳақида гап кетганда, ўқитувчи обрўининг роли ҳақида ҳам айтиш лозим. Чунки, обрўли одам доимо ўша обрў қозонган гуруҳида ўз мавқеига ва таъсирига эга бўлади. Шахс обрўи унинг бошқа шахсларга иродавий ва эмоционал таъсир кўрсата олиш қобилиятидир. Маълумки, обрў амал ёки ҳаётий тажриба билангина орттирилмай, унинг ҳақиқий асоси — шахснинг одамлар билан тўғри муносабати, ундаги одамийлик хислатларининг, бошқа ижобий хислатларининг уйғунлашувидадир. Психологик обрў — таъсир кўрсатишнинг энг муҳим мезонидир.

Мустақил тарзда амалий машқ учун топшириқлар ва тестлар.

Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш методикаси (В.В. Бойко).

1. Сизда одамнинг феъл-атворини тушуниш мақсадида унинг юзига тикилиб қараш одати борми?

- а) ҳа, мен доим одамларга қизиқиш билан қарайман.
- б) йўқ, бу мен учун қизиқ эмас.

2. Сиз одамлар билан доимий муомалани талаб қиладиган ишларни ёқтирасизми?

- а) ҳа, фақат шундай иш қувонч келтириши мумкин.
- б) йўқ.

3. Сизнингча, фикр юритишингиз нимаси билан бошқаларникидан фарқ қилади?

- а) интуициянинг кучи билан.
- б) мантиқийлик, изчиллиги билан.

4. Ўзгаларнинг кулгисидан таъсирланасизми?

- а) ҳа.
- б) мени бефарқ қолдиради.

5. Ёқтирмаган одамнинг билан самимий гаплаша оласизми?

- а) ҳа, кўпинча бу менинг қўлимдан келади.
- б) йўқ, мен бундай қилолмасдим.

6. Кўпинча Сизга нисбатан адолатсизлик қилишаётгандай бўладими?

- а) ҳа.
- б) йўқ.

7. Нотаниш одамлар билан танишишни ёқтирасизми?

- а) ҳа.
- б) йўқ.

8. Сизнингча, ўзгалар ички дунёсига қизиқиш одобсизликми?

- а) бу фикрга мутлоқ қўшиламан.
- б) йўқ, бундай эмас.

9. Бирор ташвиш устида турган бўлсангиз, ухлай оласизми?

- а) ҳа, менда шундай муаммо бор.
- б) нима бўлса ҳам яхши ухлай оламан.

10. Қўйидаги ҳолатларда ўзингизни яхши кўрсата оласизми?

- а) одамлар билан тил топиш керак бўлганда.
- б) ўзни қўлга олиб, босиқлик қилиш керак бўлганда.

11. Сизни мақтаб, хушомад қилишаётганда, уяласизми?

- а) ҳа, бундай вазиятларни ёмон кўраман.
- б) яхшиямки, мени ҳам ҳақли баҳолашди, дейман.

12. Ўз ютуқларингизни бошқаларники билан қиёслайсизми?

- а) менинг ўз ҳаётим мўлжалларим бор.

б) бу мени илҳомлантиради.

13. Ҳар доим ҳам сизнинг бошқа одам ҳақидаги биринчи интуитив таассуротингиз тўғри бўлиб чиқадими?

а) ҳа, одатда шундай.

б) йўқ, кўпинча адашаман.

14. Яқинларингиз, танишларингиз Сизни ҳиссиётга берилувчан деб ҳисоблашадими?

а) ҳа, кўпинча шундай деб ўйлашади.

б) йўқ.

15. Одам хато қилиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

а) ҳа, ҳаммамиз адашишимиз мумкин.

б) йўқ, доимо ҳушёр бўлишимиз керак.

16. Яқин қўшниларингизнинг таржимаи ҳолларини биласизми?

а) ҳа, ким ёнингда яшаётганлигини билиш керак.

б) бунинг менга қизиғи йўқ.

17. Сиз ўз қобилиятларингизни ўзингиз учун ишлата оласизми?

а) афсуски, йўқ.

б) бошқача бўлиши мумкин эмас.

18. Бошқалар билан муомаладан Сиз доимо хафа бўласизми?

а) йўқ.

б) ҳа.

19. Мушкул ишни бошлашдан аввал Сизни кутаётган қийинчиликлар тўғрисида ўйлайсизми?

а) йўқ, ҳар доим мушкул ишга киришавераман.

б) ҳа, ҳар доим ўз имкониятларимни сарҳисоб қиламан.

20. Тез-тез Сизни кўчада тўхтатиб, савол билан мурожаат қилишадими?

а) ҳа, тез-тез.

б) йўқ, бундайларни эслолмайман.

21. Қандай фильмларни севасиз?

а) ўйлашга мажбур қиладиганларини.

б) ҳаракатлар кўп, динамик сюжетли.

22. Сиз ўз умидларингиз, хавотирларингиз ва ташвишларингиз ҳақида очик айта оласизми?

а) ҳа, бунинг зарарли, уятли жойи йўқ.

б) йўқ, бу менинг шахсий ишим, яшириш керак.

23. Сиз ўзингизни бахтли ҳис қилган пайтларингизда, ҳаётда кимларгадир оғирроқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлайсизми?

а) менда бундай ҳолат доимо бўлади.

б) “Ҳар ким экканини ўради”.

24. Сизни хафа қилишса, узоқ вақт қайғурасизми?

а) одатда, тез эсдан чиқараман.

б) анчагача ўзимни ёмон ҳис қиламан.

25. Сиз одатда ўз манфаатингиз йўлида яхши инсон билан уришиб қолишингизни сезсангиз:

а) анчагина ён бераман.

б) ўз манфаатимни ҳимоя қилавераман.

Қайта ишлаш йўли: ҳар бир «а» жавоб учун 1 баллдан, «б» жавоб учун 0 баллдан ёзиб чиқинг. Агар текширилувчи:

15-25 балл - эмпатия даражаси ўта юқори бўлиб, у бошқаларга ҳамдардлик кўрсатишга қодир бўлади;

7-14 балл - эмпатиянинг ўртача даражаси;

0-6 балл - жуда паст.

9-МАВЗУ: КАСБИЙ ФАОЛИЯТНИ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК

БАҲОЛАШ ТЕСТИ

РЕЖА:

- 1. Ташҳис марказларининг мақсад ва вазифалари**
- 2. Ижро интизоми ва маданияти ҳақида мулоҳазалар**
- 3. Раҳбардаги педагогик қобилиятларни аниқлаш**

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари Республикамиз мустақиллиги йилларида таълимда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳосиласи сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли Қарорига асосан ташкил этилган.

Марказ ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда уларнинг қобилияти ва мойилликларини аниқдайди. У болани 6 ёшдан бошлаб, таълимнинг мактаб босқичига психологик, жисмоний ва ақлий ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда тайёрлигини белгилайди. Иқтидорли болаларни кашф қилиш, ўқувчиларни ҳар йили тиббий-педагогик текширувдан ўтказиш, ота-оналарга болаларни ўқитиш, тарбиялаш, касб-хунарга илмий жиҳатдан тўғри йўналишлар беришга ёрдамлашиш каби муҳим вазифалар ҳам марказ фаолиятига киради. Шу асосда ўқувчиларнинг ижтимоий мослашувларини тўғри ташкил этиш, 9-синфларни битирган ёшларни академик лицей, касб-хунар коллежларига оқилona йўллаш каби масалаларни психологик-педагогик ва тиббиёт нуқатаи назаридан тўғри ҳал қилиб бериш ишлари амалга оширилади.

Мазкур марказ иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдодини шакллантириш масаласида Республика Истеъдод маркази билан узвий ҳамкорлик қилади, саломатлиги яхши бўлмаган болаларнинг соғлигини тиклаш мақсадида тиббиёт муассасаларига йуналтиради. Марказлар туман (шаҳар) ҳалк; таълими бўлимлари таркибида фаолият кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, ташҳис марказлари ҳозиргача барча умумий таълим муассасаларининг орзу-армониға айланган долзарб муаммоларни: болаларнинг келажagini илмий ва таҳлилий асосларда тўғри ташкил этиш, уларнинг қобилият

ва имкониятларига, саломатлигига мос ўқув, касб-ҳунар шаклини тўғри белгилашга ёрдам беради, мактабгача таълим ёшидаги болаларни мактаб босқичига психологик, ижтимоий ва ақлий жиҳатдан нечоғлик тайёр эканликларини аниқлаштиради. У 9-синф ўқувчиларининг кейинги босқич ҳаётини белгилаб беради. Айни пайтда, иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истёждод қирраларини ривожлантиришни таъминлайди.

Тўғри, болаларни касбга йўналтириш каби амалиёт тури илгари ҳам бор эди. Лекин бу соҳа ҳеч қандай низом, меъёрий ҳужжатларсиз синф раҳбарлари, меҳнат таълими ўқитувчиларига юклатилган бўлиб, улар ўқувчиларни ижтимоий мослаштириш, касбга йўналтириш ва айниқса, боланинг ақлий, психик ва ижтимоий ривожланишига ташҳис қўйиш бўйича ҳеч қандай маълумот, қўлланма, меъёрий, ҳуқуқий ҳужжатларга, қўлланмаларга эга эмас эдилар. Бундай психологик-педагогик амалиёт бўйича қилинадиган ишларнинг шакл ва услублари педагогик таълим ўқув шартларида ҳам ўргатилмас эди. Вазирлар Маҳкамасининг энг дастлабки қароридаёқ бу долзарб масала ижобий ҳал қилиниб, барча туман (шаҳар) ҳалқ таълими бўлимлари таркибида ташҳис марказларини ташкил этиш ҳақида қарор қилинди ва мазкур масала билан боғлиқ барча ташкилий тадбирларни амалга оширишга киришилди. Марказ раҳбари, касбга йўналтирувчи мутахассис, психолог, дефектолог врач каби мутахассисларни танлаш, уларни ўқитиш, керакли йўриқномалар, тест бланкалари, қўлланмалар билан таъминлаш ва бошқа ташкилий тадбирлар республика миқёсида ҳам, вилоятлар миқёсида ҳам амалга оширилди. Ўқув-маърузалар, семинарлар, анжуманлар, йўриқномаларда берилган топшириқларнинг бажарилиши қатъий назоратга олинди, ташҳис марказлари Низомида белгиланган талабларнинг бажарилиши изчиллик билан кузатиб борилмоқда.

Эндиги вазифа ташҳис марказларининг раҳбарлари, унинг ходимлари томонидан марказ Низомида кўрсатилган ҳолатлардан оғишмай, қатъият билан, ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик кайфиятларига берилмасдан ўз бурчларини ҳалол, пухта, тўғри адо этишларига борлиқ.

Биз ўтказилган семинарларда берилган йўриқномаларда ташҳис марказлари мутасаддилар амалга оширган ташкилий-педагогик тадбирларда ишнинг назарий-методик ва амалий жиҳатлари билан бир қаторда, рўй бериши эҳтимол тутилган

айрим кўнгилсиз вазиятлар тўғрисида ҳам огоҳлантирдик. Жумладан:

а) болаларни психологик, дефектологик, тиббиёт нуқтаи назаридан мактаб таълимига яроқлими ёки яроқсизлиги ўта юзаки текширилиб айрим болалар ақлан заиф, жисмонан камқувват, турли дефектологик ва бошқа ижтимоий нуқсонлар билан мактабга келса, синфларда ўқув- тарбия ишларини самарали ташкил этишга тўсқинлик қилиши мумкин. Агар шундай ҳолга йўл қўйилса, мактаб таълимига жисмоний, ақлий, психологик жиҳатдан тайёр бўлмаган болаларда руҳий тушкунлик, изтироб, кўрқув юзага келади ва болага катта маънавий зарар етади;

б) таълимда демократик, инсонпарварлик тамойилларини етарли даражада маърифатли тарзда йўлга қўйилмаганлигидан у ёки бу фанни ўзлаштиришга лаёқати ва иқтидори ҳамда соғлиги етишмайдиган ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан ўқитувчилар, мактаб жамоаси ўртасида турли ихтилоф ва кўнгилсиз тўқнашувлар келиб чиқади. Бу ҳар икки томон манфаатларига ҳам салбий таъсир этади;

в) ўқувчилар ёшлигиданоқ касб-ҳунарга тўғри йўналтирилмаганлигидан, айрим ўқувчилар ота-оналари, яқинлари хохиши билан ўзлари қизикмайдиган ёки қобилиятлари етмайдиган касб-ҳунар йўналишига тушиб қоладилар;

г) коллежларга, айниқса, академик лицейларга, хатто мактабларнинг 1-синфига номуносиб ўқувчилар учун ота-оналар ёки «юқоридан» кўрсатилган тазйиқ асосида йўлланмалар бериш;

д) ташҳис марказлари йўлланмаси билан у ёки бу ўқув муассасаларига боришдан бўйин товлаш каби ҳолатлардан огоҳлантирилди. Чунки агар юқоридаги масалалар ҳолисона ва тўғри бажарилмаса, ташҳис марказлари иш самараси кутилганидек чиқмайди, мактаб ва ўқувчилар олдидаги мавжуд муаммолар ечилмай қолаверади.

Халқ таълими вазирлиги эса ўз навбатида ташҳис марказларининг умумий таълим мактабларида, хатто мактабгача тарбия муассасаларида ҳам «ўз кишиси» бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Айнан шу мақсадда ҳар бир мактабда психолог, олий маълумотли врач тиббиёт хизматини йўлга қўйиш изидан бормоқда.

Эътироф этиш жоизки, ташҳис марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш республикаимиз шароитида янгилик ҳисобланади. Шу

боисдан ҳам, ҳали бизда бу соҳада тажриба, малака етарлича шаклланмаган. Янгиликни жорий қилишда айрим муаммолар, қийинчиликларга дуч келинмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, педагогик матбуотда жойларда бу иш қандай йўлга қўйилганлиги, ишлар қандай кегаётганлиш ҳақида тез-тез мақола ва хабарлар бериб борилмоқда. Республика Истеъдод маркази, ташҳис маркази, педагогика институтларининг олимлари бир қатор методик қўлланмаларни нашрдан чиқарди. Ташҳис марказларига назарий-амалий, илмий-методик ёрдам беришнинг шакл ва услублари бундан кейин ҳам ривожлантирилади.

Асосий мақсад – ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари иш фаолиятини мунтазам равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Ижро интизоми ва маданияти ҳақида мулоҳазалар

Асримизга - космик аср деб бекорга таъриф беришмаган. Инсоният тарихининг сўнгги 100 йиллигида илм, фан, техника, маданият, ижтимоий муносабатлар шу қадар шиддатли ривожландики, унинг суръатини фақат космик тезлик мезонлари билан ўлчаш мумкин. Бинобарин, инсон ақл-заковати, унинг ахборотлардан вокифлик даражаси ҳам шунга мувофиқ тарзда ривожланаётир. Жаҳоннинг умумҳалқ эътирофи ва ишончига сазовор бўлган машҳур олимлар, социологлар, сиёсатшуносларнинг башорат беришларича XXI асрда ахборотлардан вокифлик даражаси ва унга эҳтиёж уч баробар юқори бўлади.

Ҳозирги замон таълимининг вазифаси эса ана шу шиддаткор давр билан нафақат тенгма-тенг одимлаш, балки ундан ўзиб, илгарилаб фаолият кўрсатишдан иборат. Бун- га эса жамиятда руй бераётган водеа ва ҳрдисалар ҳдкда етарли ахборотлардан вок,иф бўлиш, ижодкорлик фаолиятини тинимсиз тарзда такомиллаштириб бориш, бугундан туриб эртанги куннинг унуми, самараси юқори бўлишига эришиш, таҳлиллар, диагностика билан яшаш орқали эришилади. Акс ҳолда фаолиятда ва унинг айрим босқичларида ҳозирча учраб тўрган бокибеғамлик, лоқайдлик, янгиликлардан кўрқиш, уларни жорий қилишга ҳафсаласизлик, фаолиятга консерватив муносабат, ташаббуссизлик XXI аср кишисининг фазилати бўла олмайди ва бундайларни давр ва муҳитнинг ўзи

улоқтириб ташлайди. Буюк ҳинд ёзувчиси ва мутафаккири Рабиндранат Тагор ёзганидек «Инсон доимо оқимга қарши сузмоғи керак. Бундай қилиш қўлидан келмайдиганларни эса оқим ҳас-чўплар янглиғ дашту саҳроларга улоқтириб ташлайди».

Бинобарин, XXI аср ижодкор, серғайрат, тадбиркор-ташаббускор, ўз фаолиятига таҳлил кўзи билан қарайдиган оқил ва зукко инсонлар асри бўлиши кутилмоқда. Кириб келаётган аср руҳини қисқача баён қиладиган бўлсак, у вақтдан ўзиб ишлайдиган, олисни кўзлаб фаолият кўрсатадиган, ташаббускор, ижодкор, тезкор, шиддаткор, фаолият самарадорлигига тўғри етакловчи, зарур ахборотлардан воқиф кишилар давридир.

Таълимнинг турли ахборотлар билан ўз вақтида таъминланиш даражаси бугунги кун мактаби муваффақиятини таъминловчи омиллардан биридир. Шу боисдан бу соҳада республикада энг замонавий ахборот узатиш технологияси жорий этилди ва бу тизим янада такомиллаштирилмоқда. Бундан атиги 2-3 йил илгари жойларга таълимга доир ахборотлар фақат почта орқали юборилар эди. Бугун бу хизматда факс, электрон почта, МОДЕМ, ИНТЕРНЕТ каби инсон ақл-заковатининг муъжизакор ихтиролари жорий этилмоқда.

Таълим тизимида ҳам ахборотларни ўзатишдаги тезкорликни ошириш, унинг географиясини кенгайтириш бўйича кейинги йилларда кўпгина ишлар қилинди.

Қабул қилинаётган буйруқлар, қарорлар, ҳукумат ҳужжатларини тезкорлик билан ижрочиларга етказиш мақсадида халқ таълими муассасаларида – 5та журнал, 2та газета чоп этилмоқда. Юқоридагиларга қўшимча тарзда «Таълим тараққиёти» ахборотномаси таъсис қилиндики, у қисқа вақт ичида таълим муассасалари ходимларининг севимли нашри, дўсти, маслаҳатгўйига айланди. Таълим бўйича газеталар деярли барча вилоятлар халқ таълими бошқармаларида ҳам чиқарилмоқда. Бир сўз билан айтганда вазирликдан таълим муассасаларига ахборотларни тезликда узатиш масаласи замон талабига хос ривожланмоқда.

Жойларга етиб борган ҳужжатлар ижросини таъминлаш, ижро интизомини йўлга қўйиш мақсадида республиканинг барча вилоятлари, туман (шаҳар) халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари таркибида янги - мониторинг хизмати ташкил этилди ва фаолият кўрсатяпти.

Лекин алоҳида таъкидлаш, эътироф этиш керакки, таълим муассасаларига

Республика Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармон ва фармойишларини, шунингдек, топширидларини ўз вақтида етказиш, улар ижросини таъминлашда юқорида баён этилганидек, кўпгина ишлар қилинганига қарамадан унинг сифати ва самарадорлиги ҳамда изчиллиги бугунги кун талабларидан жиддий тарзда орқада қолаётгани сезилмоқда.

Мухтарам муштарийларимизга маълумки, 1999 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли Қарори қабул этилиб, унда ҳаққоний танқид қилинганидек, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимиятлар Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва топшириқларини бажариш бўйича аниқ ва пухта ишланган тадбирларни амалга ошириш ўрнига кераксиз кенгашлар ва мажлислар ўтказишга кўп куч ва маблағ сарфламоқдалар. Айнан бир мазмундаги ёки унга яқин турадиган мавзуларда такрор ва такрор қарорлар қабул қилмоқдалар. Энг ачинарлиси идораларда қарорда кўрсатилган ва топширилган вазифаларни бажариш мазмунини жойлардан маълумотлар йиғиб олишдан иборат деб ҳисоблашмоқда. Натижада, у ёки бу масаладаги долзарб муаммоларга ечим топиш, хато, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, шу асосда белгиланган мақсадларни руёбга чиқариш қийинлашмоқда. Хатто жойларда содир бўлаётган ҳақиқий аҳволни билиб олиш имконияти ҳам таъминланмаяпти.

Бу соҳада ҳукм сураётган жиддий нуқсонлардан яна бири шундаки, ижро устидан назорат юргизиш енгил-елпи, юзаки ва қисқа муддатли бўлиб, улар ҳам аҳёнда бир чуқур таҳлилларсиз амалга оширилаётганлиги, айниқса, бевосита ижро таъминладиган қуйи ташкилот ва звенолардаги аҳвол жуда кам ўрганилган.

Жойлардаги аҳволни ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ижро интизومي устидан назорат қилишдаги бундай камчилик ва нуқсонлар таълим муассасалари фаолиятида ҳам тез-тез учрамоқда.

Маълумки, юқори таълим идораларининг қуйи босқичидаги таълим муассасаларига бераётган топшириқлари, кўрсатмалари ва тавсиялари юборилаётган турли буйруқлар, қарорлар, фармойишларда ўз аксини топади. Таҳлилларга қараганда, вазирлик ва таълимни бошқаришнинг барча босқичларида 2000 га яқин раҳбарлар ва мутахассисларнинг фаолияти бевосита қарорлар, буйруқлар, тавсиялар ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Агар жойларда шу буйруқ қарор

ва топшириқлар бажарилмаса, таълимни бошқарув муассасалари ва раҳбарлари меҳнатининг самараси йўққа чиқмайдими? Ваҳоланки, улар фаолияти таълимдаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга йўналтирилган-ку.

Масалан, Вазирликдан биргина 1999 йилда қуйи таълим муассасаларига 16 та ҳайъат қарорлари, 117 та директив кўрсатмалар берилган вазирлик буйруқлари, 337 та топшириқлар юборилган, 538 та хат, ариза ва шикоятларни адолатли ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар юборилган. Тўғри, бундай ахборотларнинг оқими ва кўлами катта, ҳатто баъзан бу соҳада эътирозлар ҳам бўлиб туради. Бироқ халқ таълими муассасалари у ёки бу қарорни қабул қилишга сабаб бўлган омилларни оқолонга ҳисобга олиши керак. Модомики, давлат ва жамиятнинг у ёки бу соҳада олиб бораётган ишлар самарасидан кўнгли тўлмаётган экан, янги-янги чора-тадбирларни ишга солиши табиий бир ҳолдир. Ана шу чора-тадбирлар эса ўз навбатида масалани ҳал қилиш бўйича янги ечимлар излашга, демакки янги ҳужжатлар қабул қилишга сабаб бўлади.

Вазирлик ҳужжатларни юборар экан, аввало уларнинг ижросини таъминлаш учун кетадиган вақтни, ижрочиларнинг имкониятларини, ҳатто сарфланадиган қоғоз миқдоригача таҳлил, ҳисоб-китоб қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижрони орқага суриш, сўралган ахборотларга ўз вақтида қуйи ташкилотлардан дастлабки маълумотларни тўплашни пайсалга солиш, ўз вақтида уларни таҳлил қилиб, умумлаштирмаслик, маҳаллий халқ таълими бошқармалари ва бўлимларининг:

- юқори таълим идораларига у ёки бу ахборотларни тегишли таҳлилларсиз, аҳволни жиддий ўрганмасдан маълумот тайёрлаш;

- тайёрланган маълумот ҳажмини кўпайтириш мақсадида қўйилган масалага мутлақо алоқаси йўқ ёки иккинчи даражали маълумотлар киритилади. Натижада бир неча сатрда ифода этилиши мумкин бўлган маълумотнома ҳажми 3-4 саҳифа, ҳатто ундан ҳам кўпроқни ташкил қилади. Умумлаштирувчи эса жойлардан келган маълумотлардан зарурий таълимий фикрларни ололмай қўшимча маълумотлар талаб этишга мажбур бўлади.

Бу ўринда вазирликнинг кўпчилик бошқарма ва бўлимлари Самарқанд, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаларидан олинаётган маълумотларнинг аксарияти аниқ, қисқа, мазмунли, белгиланган муддатларда келаётганлигини

таъкидлайдилар. Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятларида эса бунинг акси кўринмоқда.

Энди бевосита ижрони таъминлаш масаласига келсак, шуни айтишимиз керакки, юқори раҳбарлик идораларига директив ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни ўз вақтида юбормаслик, ҳужжатлар ижросини зўрма-зўракилик билан эмас, ҳафсала ва ҳурмат, ихлос ва аниқлик билан юқори савияда бажариш, ижрочининг ижро маданияти юқорилигини белгилаб берадиган омилдир. Лекин таҳлилларнинг бизга шоҳидлик беришича, ижро интизоми ва маданияти ҳамма жойларда ҳам рисоладагидек эмас.

Текширувлар шундан далолат берадики, ҳужжатлар билан ишлашда ижрочидан талаб этиладиган масаланинг туб моҳиятини яхши англаш ва аниқ, тўғри ва пухта топшириқ шаклида ифодалаш катта аҳамиятга эга. Қайси даражадаги раҳбар бўлишидан қатъи назар, у ўз ходимини қўйилган вазифаларни адо этиши учун тўғри, дадил ва ишонч билан йўналтириши керак. Акс ҳолда, чалкашлик, масаланинг моҳиятига мос иш қилмаслик каби нохушликлар ҳужжатни рўйхатга ва назоратга олинган кунданок бошланади.

Шу боисдан ҳам биз қаерда ижро интизоми бузилса, уша жойда ижро интизоми ва маданияти етарли даражада шаклланмаганлигини кўрамиз. Айрим вилоятлар, туманлар, шаҳарлар халқ таълими бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари юборилган раҳбарлик ҳужжатлари: қарорлар, буйруқлар, фармонлар, фармойишлар, топшириқлар ижросини таъминлашга қаратилган аниқ чоратadbирлар кўриш ўрнига умумий кўрсатмалар бериш, қоғозларни кўпайтириш, мажлисбозлик билан чегараланмоқдалар. Бундай мисоллар Андижон, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё вилоятлари халқ таълими бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги фаолиятида тез-тез учраб туради.

Юқорида баён қилинганлардан хулоса шуки, муайян бир таълим муассасасида ижро интизомининг шаклланиши ва унинг такомиллашиб бориши аввало раҳбарга, чиқарилаётган қарорлар модиятини тўғри англаб, ижро шаклини тўғри белгилашга борлиқ. Масаланинг туб моҳиятини тушуниш, англаб етиш, у ёки бу ҳужжатнинг ижросини ҳозирги замон талаблари даражасида таъминлаб беришдан фаолиятга келадиган манфаатни кўра билиш масъулият ва жавобгарликни тўла ҳис қилган раҳбарнинг иш услубига бевосита ва билвосита

боғлиқдир.

Республика ҳукуматининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли қарорида алоҳида таъкидланишича, у ёки бу ҳужжатнинг ижро шакли оптимал белгилаб берилгандан сўнг, унинг ижросини таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юклатилган. Ижрони дастурий асосда таъминламаслик ижро фаолиятидаги изчилликка путур етказди, ижрога аниқ ишлаб чиқилган дастурсиз ёндашув эса ижрони таъминлашдаги кетма-кетликни белгилаб бера олмайди, пала-партиш ишларга сабаб бўлади.

Қабул қилинган қарорларни ўз вақтида сифатли бажариш, таълим муассасасининг иш мазмунини, унинг фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Зотан, ҳар бир қабул қилинган ҳужжат моҳиятида таълимнинг у ёки бу соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, такомиллаштириш, пировард натижада фаолиятни янада яхшилаш мақсадлари ётади. Тўғри қарорлар таълим тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Таълим муассасаларининг раҳбарлари буни ёддан чиқармасликлари, ходимларга нисбатан талабчан ва принципал бўлишлари, ҳар бир жамоа аъзосидан ишониб топширилган иш учун шахсий жавобгарликни талаб этишлари лозим. Зотан, интизомни талаб қилиш, ходимларни унга ўргатиш ҳам тарбиядир. Шундай қилингандагина жамоа ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга эришади: бу эса «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни муваффақиятли амалга оширишдаги муҳим омиллардан биридир.

Кейинги йилларда халқ таълими бошқармалари ва бўлимлари таркибида мониторинг бўлимлари ташкил этилди. Бу, албатта яхши. Лекин бу бўлимлар зиммасига ҳужжатлар билан ишлаш масъулиятини тўла-тўқис юклаб қўйиш кўзланган мақсадни руёбга чиқаришга тўсқинлик қилади. Мониторинг тизимининг мақсад ва вазифалари эса унинг низомида аниқ ифода этилган. Жойларда бу ҳолатни тўғри ва мақбул асосларда ҳисобга олиш зарур.

Назорат саволлари

1. Ташҳис марказларининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Ижро интизومي ва маданияти ҳақида мулоҳазаларингиз қандай?
3. Раҳбардаги педагогик қобилиятларни қандай аниқлаш мумкин?

10 – мавзу: Психологик ва педагогик маслаҳатлар асослари

Режа:

1. Психологик ва педагогик маслаҳат иборасини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади. (Ақлий ҳужум) - 5 дақиқа.
2. Психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт шароитлари ҳақидаги фикрлар мунозараси (3x4 педагогик технология асосида) -25 дақиқа.
3. Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг мазмуни, босқичлари асосий қоидалари (Кичик гуруҳларда ишлаш методи орқали) - 35 дақиқа.
4. Дарсга яқун яшаш - 5 дақиқа.

Машғулот учун зарурий услубий тавсиялар ва ўқув дидактик

тарқатма материаллар

1. Психологик ва педагогик маслаҳат ибораларини эшитганингизда фикрингизга қандай сўзлар, иборалар келади? деган савол билан магистрларга мурожаат этилади. Бунда биз интерфаол усуллардан бири ақлий ҳужум усулини қўллаймиз. Ақлий ҳужум - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. «Ақлий ҳужум» методи бирор муаммони ечишда талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” иштирокчилари олдида қўйилган муаммо бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилади ва уларнинг муаллифлари ўз фикрларини қайтадан хотирасида тиклаш имкониятига эга бўлади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва ҳужум давомида улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. Ақлий ҳужум тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра энг яхши таклифлар генерацияланади ва муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

2. Психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт шароитлари ҳақидаги фикрлар мунозарасини «3x4» педагогик

технология асосида ташкил этиш учун гуруҳ 4 та кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ учун бир варақ қоғоз олиниб, психологик ва педагогик маслаҳатларни самарали ташкил этишнинг шарт-шароитлари ҳақидаги фикрлар ҳақида 3 тадан гуруҳ фикрини ёзишини ҳамда, бу фикрлар ёзилган қоғозни (соат стрелкаси йўналиши бўйича) кейинги гуруҳларга узатиш таклиф этилади. Кейинги гуруҳ эса яна бу ҳақда учта фикр билан тўлдириши ва кейинги гуруҳга узатиши лозим. Шу тарзда давом этиб, ҳар бир қоғозда 12 тадан фикрлар мужассам бўлгач, гуруҳлар бу фикрларни таҳлил этиб, гуруҳнинг бир умумлаштирилган фикрини билдиришлари талаб этилади.

3. Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг мазмуни, босқичлари асосий қоидаларини муҳокама этиш учун кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кичик гуруҳларда ишлаш учун гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга қуйидаги тарқатма материаллар берилиб, ушбу масалалар бўйича тақдимотлар тайёрлаш топширилади.

1—гуруҳ учун тарқатма материал.

Психологик маслаҳат ишларининг мазмуни.

Психолог маслаҳат бериш ишларида қуйидаги ишларни олиб боради:

1. Болалар, ўқитувчилар, талабалар таълим ва тарбияси билан шуғулланувчи барча шахсларга, жумладан маъмурият (директор, ректор, мудир) ўқитувчилар, мураббийлар, ота-оналар, ижтимоий ва жамоатчилик ташкилотлари ходимларига аниқ яққол, маслаҳатлар бериш.

2. Таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабат, муомала ва мулоқот сирлари, тенгдошлар ва вояга етганлар муносабати, масалан, дунёқараш, қобилият, иқтидор муаммолари юзасидан индивидуал, гуруҳий, жамоавий тарзда маслаҳатлар уюштириш.

3. Маъмуриятга, болалар, ўқувчилар, талабаларга (ётоқхонада, клубларда, кутубхоналарда) қизиқтирувчи масалалар бўйича болалар, ўқувчилар, талабаларнинг психик ўсиши хусусиятларига оид маълумот бериши, ўғил ва қизларни асраб олиш, оналик ва оталикдан маҳрум қилиш,

ташкilotларни ғамхўрлик ва васийлик тўғрисидаги қабул қилган қарорга муносабати, шахс тақдирини ҳал қилишда қатнашиши ва маслаҳатли фикр бериши лозим.

4. Ота-оналарга боланинг психик ривожланиши хусусиятларини шахс сифатида шаклланиши, ўзаро муносабат мақомлари, бунда фарзандларнинг ёши, жинси, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича илмий-амалий маслаҳатлар беради.

5. Янги типдаги мактабларга ўрта-маҳсус ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, академик лицей талабаларига уларнинг имконияти, истиқболи тўғрисида илмий–амалий хусусиятга молик консултиватив ишлар олиб бориш: ёшларни саралаш, танлаш, ихтисосда яроқлик даражасини аниқлаш, танлов комиссиясида маслаҳатчи сифатида иштирок этиш. Мазкур ишлар ўқувчиларни мактабда, коллежда ва лицейларда ўқитиш давомида психологик–педагогик жиҳатдан чуқурроқ ўрганишга йўналтирилган бўлиб, уларнинг индивидуал хусусиятларини, таълим тарбиядаги нуқсонларнинг сабабларини аниқлашга мўлжаллангандир. Диагностик ишлар гуруҳий ёки индивидуал тарзда ўтказилади. Бу аснода амалий психолог қуйидаги вазифаларни бажаради.

Ёш давр тараққиёти мезонларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида психолог болалар, ўқувчилар, маҳсус мактаб, ўқувчиларини, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юрти талабаларини психологик текширувдан ўтказди, уларнинг даражаларини белгилайди. Ўқувчиларнинг касбий яроқлилигини диагностика қилади, уларнинг шахс хислатлари, иродавий сифатлари, ҳис–туйғулари, ўз-ўзини бошқариш имконияти, интеллектуал даражасини текширади.

Маслаҳат бериш ишлари - амалиётчи психологнинг асосий фаолият турларидан биридир. Маслаҳат бериш ишлари ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар учун олиб борилади. Маслаҳат бериш ишлари индивидуал ва гуруҳий бўлиши мумкин. Амалиётчи психологлар иш тажрибасини умумлаштириш шунинг кўрсатадики, ўқитувчилар кўпинча психологга қуйидаги муаммолар

бўйича мурожаат қиладилар: турли фанлар бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, болаларнинг ўқий олмаслиги ва истамаслиги, гуруҳда низоли вазиятлар, шахсий педагогик таъсирнинг натижа бермаслиги, ҳар хил ёшдаги болаларнинг тенгдошлари оила мулоқоти ва болалар жамоасининг шаклланиши, касбий малакаларини ошириш йўллари, ўқувчиларнинг қобилиятлари, лаёқатлари, қизиқишларини аниқлаш ва ривожлантириш йўллари, ўқувчилар билан касбга йўналтириш ишларини олиб бориш.


Амалиётчи психологга ўқитувчилар ҳам мурожаат қиладилар:

Катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатни яхшилаш масалалари, ўз-ўзини тарбиялаш, касбий ва шахсий ўз-ўзини билиш, ақлий меҳнат ва хулқ-атвор маданияти ва бошқа муаммолар бўйича маслаҳат сўрайдилар.

Психолог ўқувчилар билан бевосита алоқада уларда вужудга келган муаммоларни ҳал қиладилар. Бу тўғридан-тўғри маслаҳат бериш деб аталади. Баъзан ўқувчиларга ва ота-оналарга ўқитувчиларнинг у ёки бу муаммолари бўйича маслаҳат беради, бу билвосита маслаҳат беришдир, бунда маълум қоидаларга амал қилишга тўғри келади. Маслаҳат бериш марказида ҳар доим психолог ва маслаҳат берилаётган шахснинг ўзаро таъсир жараёни, улар орасида ишончли ўзаро муносабатни ўрнатиш ётади. Бунда психолог – маслаҳат берувчи, ўқитувчи, ота-она – маслаҳат олувчи, ўқувчи мижоз ролида бўлади.

Маслаҳат бериш – психологик хизматнинг асосий йўналишларидан биридир. Лекин психологик маслаҳати ўзи нималиги ҳақида ягона тушунча йўқ. Коллежлардаги ёки академик лицейлардаги психолог ишидан тубдан фарқ қилади. Психолог аниқ ўқув муассасасидаги ўқитувчилар ва ўқувчилар орасидаги муносабатнинг ижобий ва салбий томонларини ривожланадиган ижтимоий муҳитнинг ичида бўлади. У ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчининг ўзинигина эмас, шахслараро муносабатнинг мураккаб системасини ҳам кўради, бошқа иш турлари билан биргаликда вазиятни ҳал қилади.

Маслаҳат бериш ишини қуйидагича схематик тасвирлаш мумкин.



Юқоридаги усулда иш олиб борганда психолог ва ўқитувчи ўз соҳасини яхши билувчи мутахассислар сифатида намоён бўлади.

1. Ўқувчи муаммолари бўйича уларнинг ҳамкорлиги билимларининг бирикувига имкон беради ва муаммоларни ҳал қилиш учун кенг ижодий имкониятлар яратади. Маслаҳат беришнинг асосий аҳамияти ана шунда.

2. Психолог ўқувчилар ва талабаларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, майли, илк иқтидори кабиларни ўрганади, мутахассис ва етук шахс сифатида шаклланишига ёрдам кўрсатади.

3. Мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, хунар билим юрти тингловчилари янги типдаги мактаб, олий ўқув юрти талабаларида учрайдиган ўқув малакалари ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар ҳулқ-атвордаги камчиликлар, интеллектуал тараққиёт ва шахс фазилатларидаги бузилишларни диагностика қилади.

4. Бошқа соҳанинг мутахассислари билан биргаликда психик ривожланишдаги нуқсонлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал диагностикани амалга оширади. Нуқсонларнинг тиббий ва дефектологик табиатини аниқлайди. Ассоциал ҳулқ-атвор сабабларини ва шакллариини белгилайди. Гиёҳвандлик ва таксионманлик, алкоголизм, ўғрилиқ, дайдилиқнинг ижтимоий психологик илдизларини текширади, омилларни таҳлил қилади.

5. Иқтидорли талабалар, ёш мутахассисларни танлашда иштирок этиш, илмий психологик тавсиялар ишлаб чиқиш ва унга асосланиб, уларга нафақалар белгилашда қатнашиш.

2-гурӯҳ учун тарқатма материал.

Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг босқичлари.

Психологик ва педагогик маслаҳат мақсади - муаян муаммоси мавжуд болаларга, тарбиячилар, ўқитувчилар ва ота оналарга ёки бошқа мурожаат этувчиларга психологик ёрдам кўрсатиш.

Психологик ва педагогик маслаҳат вазифалари:

Муаммони аниқлаш.

Муаммонинг респондент (мурожаат этувчи) томонидан тушуниши ва ҳис қилинишига эришиш.

Респондент шахсини ўрганиш.

Муаммони ҳал этиш ёки вазиятдан чиқиш йўлларини излаш ва респондент билан муҳокама этиш.

Амалий психологик ёрдам.

Шунга ўхшаш муаммоларнинг олдини олишга ўргатиш.

Психологик ва педагогик маслаҳат босқичлари:

Тайёргарлик босқичи.

Ишончли муносабат ўрнатиш босқичи.

Психодиагностик босқичи.

Психологик ёрдам босқичи.

Назорат босқичи.

Психологик ва педагогик маслаҳат муолажалари:

Респондентни кутиб олиш, ишончли муносабат ўрнатиш, мулоқот тўсиқларини бартараф этиш.

1. Респондентни рефлексив, эмпатик тинглаш.

2. Қўллаб қувватлаш.

А) Респондентнинг фикрлари ва режаларини, ҳис туйғуларини аниқлаштириш.

Б) Ўзаро маъқул қарорларни излаш, уларнинг қабул этиш муҳимлигини тушунтириш ва ишонтириш.

1. Ушбу қарорларнинг амалга оширилишининг оқибатларини муҳокама этиш ва баҳолаш.

2. Муаммони ҳал этиш тайёрлиги ва ўз ўзига ишончини орттиришга йўналган муолажа.

3. Муаммони ҳал этишга киришишини таъминлашга йўналган муоалажа.

3-гурух учун тарқатма материал.

Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг асосий қоидалари:

Қоида 1. Насиҳат, маслаҳат берманг!

Қоида 2. Респондентни пассив эмас, рефлексив ва хайрихоҳлик билан тингланг, уни тинглаётганлигингизни респондент ҳис этсин.

Қоида 3. Респондентнинг ҳис туйғулари ҳақида гапиринг, уларни мулоқот мазмуни билан боғланг.

Қоида 4. Мижоз учун унинг муаммосини ечишга ҳаракат қилманг.

Қоида 5. Қатъий тавсиялар берманг, баҳоламанг.

Қоида 6. Шу ерда ва ҳозир содир бўлаётган воқеалар ва ҳолат ҳақида гапиринг.

Қоида 7. Учинчи шахс ва унинг муаммолари ҳақида гапиринг.

Назорат саволлари

1. Тарқатма материаллардан нима мақсадда фойдаланилади?

2. Психологик маслаҳат ишларининг мазмуни нималардан иборат?

3. Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг босқичларини санаб ўтинг ва изоҳланг?

4. Психологик ва педагогик маслаҳат ишларининг асосий қоидалари нималардан иборат?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2011 йил, 206-207-бет.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» || Баркамол авлод орзуси.Тошкент, 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни || Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. – Тошкент, 1997
4. Р.Ю.Тошимов, Э.Ғ.Ғозиев Психодиагностика ва амалий психология. Т. 2004.
5. Ш.Пўлатов Таълим муассасаларини илмий-методик бошқариш технологияси. Т. 2012.
6. Ж.Ғ.Йўлдашев Таълим янгиланиш йўлида. Т. 2000.
7. Ж.Хасанбоев, Х.Тўракулов ва бошқалар. Педагогика. 2011.
8. М.Ҳ.Тўхтажўжаева, С.Нишонова ва бошқалар. Педагогика. Т. 2010
9. Воҳидов М. Болалар психологияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1982. -366 б.
10. Ижтимоий психологик тренингдан практикum. //Муаллифлар жамоаси. М.Абдуллажонова ва б. – Фарғона, 2003 й.
11. Искандаров Э.А. Билиш фаолиятини ўрганиш ва ривожлантириш услублари (ўқув-методик ишланма). СамДУ нашри, 1995 й.
12. Каримова В.М. «Ижтимоий психология асослари» - Т., Ўқитувчи, 1994.
13. Психологическая диагностика: Учебное пособие. /Под ред. К.М.Гуревича, Е.М.Борисовой. 2-е изд., испр. - М., 2000.
14. Ғозиев Э. Интеллект психологияси. - Т., 1996.
15. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. - Т., 1990.
16. Ғозиев Э. Хотира психологияси. - Т., 1994.
17. Ғозиев Э. Психология. –Т.: «Ўқитувчи», 1994. -508б.
18. Ҳайитов О.Э., Лутфуллаева Н.Х. «Психодиагностика ва амалий психология». - Т. 2005.